

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНТВЕРПЕН УНИВЕРСИТЕТИ (БЕЛЬГИЯ)
ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ЮСУПОВ МАКСУДБЕК СУЛТАНМУРАТОВИЧ

**СОВУҚ ПЛАЗМА БИЛАН БИОМОЛЕКУЛАЛАР
ЎЗARO ТАЪСИРИНИНГ МОЛЕКУЛЯР МЕХАНИЗМЛАРИ**

01.04.03 – Молекуляр физика ва иссиқлик физикаси

**Халқаро илмий маълумотлар базасига киритилган ҳамда
импакт-фактори 1,0 ва ундан юқори бўлган илмий журналларда
чоп этилган мақолалар асосида диссертация ҳимоясиз
физика-математика фанлари бўйича фан доктори (DSc)
илмий даражасини олиш бўйича
ТАҚДИМНОМА**

(2014 йилда фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси тасдиқланган)

ТОШКЕНТ - АНТВЕРПЕН – 2020

Тақдимнома мундарижаси

Contents of the presentation

Оглавление презентации

Юсупов Максудбек Султанмуратович

Совуқ плазма билан биомолекулалар ўзаро таъсирининг

молекуляр механизмлари 3

Yusupov Maksudbek Sultanmuratovich

Molecular mechanisms of interaction of cold plasma with biomolecules 42

Юсупов Максудбек Султанмуратович

Молекулярные механизмы взаимодействия холодной плазмы

с биомолекулами 76

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 83

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНТВЕРПЕН УНИВЕРСИТЕТИ (БЕЛЬГИЯ)
ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ЮСУПОВ МАКСУДБЕК СУЛТАНМУРАТОВИЧ

**СОВУҚ ПЛАЗМА БИЛАН БИОМОЛЕКУЛАЛАР
ЎЗARO ТАЪСИРИНИНГ МОЛЕКУЛЯР МЕХАНИЗМЛАРИ**

01.04.03 – Молекуляр физика ва иссиқлик физикаси

**Халқаро илмий маълумотлар базасига киритилган ҳамда
импакт-фактори 1,0 ва ундан юқори бўлган илмий журналларда
чоп этилган мақолалар асосида диссертация ҳимоясиз
физика-математика фанлари бўйича фан доктори (DSc)
илмий даражасини олиш бўйича
ТАҚДИМНОМА**

(2014 йилда фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси тасдиқланган)

ТОШКЕНТ - АНТВЕРПЕН – 2020

Тадқиқот (DSc) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/FM160 рақам билан рўйхатга олинган.

Иш Антверпен университети ва Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи: **Мирзаев Сирожиддин Зайниевич**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Бахрамов Сагдулла Абдуллаевич**
физика-математика фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Бенедикт Ян
профессор
Кристиан Альбрехт номидаги Киль университети (Германия)

Расулов Акбарали Махаматович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Тақдимнома Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «02» 12 соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54, e-mail: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).



Х.Б. Ашуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
т.ф.д., профессор

И.Дж. Ядгаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби
ф.-м.ф.д.

Б.Е. Умирзаков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (тақдимнома аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Сўнгги йилларда плазма физикаси, молекуляр физика, биофизика ва ҳисоблаш физикаси ютуқларини ўзида мужассам этган ва совуқ атмосферик плазма (САП) билан юмшоқ муҳит ўзаро таъсирининг фундаментал ва амалий муаммолари билан шуғулланувчи, унда юз берадиган физик-кимёвий жараёнлардан фойдаланишга асосланган, фанлараро янги соҳа – плазма тиббиёти жадал ривожланмоқда. САП таъсири остида юзада (ёки ҳажмда) кечадиган жараёнлар биомолекула структурасида ўзгаришлар келтириб чиқаради, бу одатда молекуланинг гидрофилик ва гидрофобик хусусиятларининг ўзгариши билан биргаликда амалга ошади ва натижада биомолекулада биологик фаоллик пайдо бўлишига туртки бериши мумкин.

Бугунги кунда САПлардан фойдаланишда унинг амалий тадбиқлари плазма жараёнларининг физик-кимёвий қонуниятларини тушунишга бағишланган фундаментал тадқиқотлардан олдинда. Бундай плазма жараёнларининг ташқи параметрлари асосан эмпирик тарзда танланади. Бунга сабаб, биринчидан, мувозанатсиз шароитларда кечадиган реакцияларни таҳлил қилишнинг мураккаблиги, иккинчидан эса, плазма ўз-ўзидан изчил тизим эканлиги, унинг кимёвий фаоллигини аниқлайдиган физик хусусиятлари плазма туфайли юзага келадиган молекулалараро ўзаро таъсирлар ва кимёвий ўзгаришлар билан боғлиқлигидир. Шубҳасиз, ўзаро таъсир механизмларини, биомолекулалар билан реакцияларда турли хил фаол зарраларнинг ролини ва плазмада кечадиган кимёвий жараёнларнинг унинг хусусиятларига таъсирини ўрганмасдан плазма технологиясини самарали оптималлаштириш мумкин эмас. Шу муносабат билан, совуқ плазма фаол компонентларининг таркибини аниқлайдиган жараёнлар *механизмларини тадқиқ қилиш*, шунингдек унинг биомолекулаларга таъсир этиш *қонуниятларини аниқлаш, долзарб вазифалардан ҳисобланади*.

Жаҳонда саратон хасталигини даволашда САПдан фойдаланиш плазма тиббиётининг бугунги кундаги энг долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Ушбу соҳада кўплаб тадқиқотлар ўтказилган, жумладан плазма манбаларини тавсифлаш ва такомиллаштириш, плазманинг ва ишлов берилган юзанинг физик ва кимёвий хусусиятлари, плазма ҳосил қилган зарраларнинг биомолекулалар билан ўзаро таъсирида содир бўладиган биофизик жараёнлар ҳамда САП ёрдамида ишлов беришнинг тирик организмларга узоқ муддатли таъсирини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Плазма онкологиясида, жумладан *in vitro* ва *in vivo* тажрибалари асосида, истиқболли натижалар олинган. САП саратон хужайраларини танлаб мақсадли равишда йўқ қилишини ва шу билан соғлом хужайраларни кам шикастланган ёки шикастланмаган ҳолда қолдириши мумкинлигини тажрибалар кўрсатган. Бу эса саратонга қарши анъанавий усулларга нисбатан САПга устунлик беради. Аммо шуни таъкидлаш керакки, кўп сонли тадқиқотлар ўтказилганлигига қарамастан плазманинг саратон хужайраларига танлаб таъсир кўрсатишини

тушунтирувчи туб механизмлар ҳали ҳам номаълумлигича қолмоқда ва бу янада чуқур фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказилишини тақозо қилади.

Плазма билан тирик ҳужайралар таъсирлашиш юзасининг мураккаблиги, уларни тажрибалар орқали тадқиқ қилишни қийинлаштиради ёки имконсиз қилади. Шу нуқтаи назардан, компьютерда моделлаштириш жуда аҳамиятлидир, чунки у молекуляр даражадаги жараёнларни тушунишни таъминлайди ва асосий механизмларни батафсил ўрганиш имконини беради. Аммо, бугунги кунга қадар юқоридаги жараёнларни тизимли ўрганишга доир чекланган миқдорда моделлаштириш тадқиқотлари ўтказилган.

Ўзбекистонда плазма тиббиёти соҳаси, хусусан саратон хасталигини даволашда совуқ плазмадан фойдаланиш, плазма тадқиқотининг энг янги йўналишларидан бири ҳисобланиб, ривожланишнинг илк босқичларидадир. Бу борада компьютерда моделлаштириш тадқиқотлари жараёнларни молекуляр даражада фундаментал тадқиқ қилишда ҳамда соҳада олинган экспериментал натижаларнинг туб механизмларини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда компьютерда моделлаштириш бўйича билим ва кўникмаларни Ўзбекистон ёш илмий тадқиқотчиларига босқичма-босқич етказиш ишлари аллақачон йўлга қўйилган. Келажакда ушбу соҳада амалий ишларни бажариш учун республикада фаолият кўрсатаётган тиббий илмий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Ҳозирги пайтда ушбу соҳага доир илмий тадқиқот лойиҳалари тайёрланмоқда. Шубҳасиз, Ўзбекистонда плазма тиббиёти соҳасини ривожлантириш турли хил касалликларни даволашда арзон ва самарали ечимларни таклиф қилади. Шундай экан, соҳада илмий ходимлар сонини кўпайтириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади ва бунинг учун плазма тиббиёти соҳасида илмий-тадқиқотларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу докторлик тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармонида ва 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қароридан ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг Ф.2. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» III. Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, электрон асбобсозликни ривожлантиришнинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича халқаро тадқиқотлар шарҳи¹. Совуқ атмосферик плазма билан юмшоқ муҳит ўзаро таъсирининг фундаментал ва амалий муаммолари, плазма тиббиёти соҳаларида жаҳоннинг кўплаб илғор давлатлари етакчи илмий марказлари ва университетлари: жумладан PLASMANT (University of Antwerp, Бельгия), MpnL (George Washington University, АҚШ), GREMI (University of Orléans, Франция), CSIRO (Австралия), PBRC (Kwangwoon University, Жанубий Корея), CPSEG (University of Michigan, АҚШ), Hamaguchi Lab. (Osaka University, Япония), FII (University of South Australia, Австралия), АЕРТ (Ruhr-Universität Bochum, Германия), GravesLab (US Berkeley, АҚШ), IAP group (University of Bologna, Италия), CLTPS (Nagoya University, Япония), Xinpei Lu's Lab (HuaZhong University of Science and Technology, Хитой), INP-Greifswald (Leibniz Institute for Plasma Science and Technology, Германия) ва С. J. Nyheim Plasma Institute (Drexel University, АҚШ) шуғулланмоқда.

Шундай бўлсада, плазма тиббиёти ва плазма онкологиясига қизиқиш тобора ортиб бораётганига қарамасдан, дунёнинг аксарият илмий гуруҳлари диққат-эътиборни экспериментал тадқиқотларга қаратишган ва плазма билан ишлов бериш ёки даволашнинг фойдали таъсирлари ҳақида натижаларни эълон қилишмоқда. Аммо, молекуляр даражада фундаментал тушунишга қаратилган тадқиқот методларини қўллаш етарлича эмас ва бунга атомистик моделлаштириш усуллари ёрдамида эришиш мумкин. Хозирги кунда PLASMANT илмий гуруҳи плазма тиббиёти ва плазма-саратон хасталигини даволаш йўналишларида атомар даражадаги моделлаштириш тадқиқотларини ўтказишга диққат қаратган дунёдаги деярли ягона гуруҳ ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижнинг қатор етакчи илмий марказларида плазма тиббиёти соҳасида илмий изланишлар олиб бориш, хусусан совуқ атмосферик плазманинг саратонга қарши таъсирини фундаментал ва амалий тадқиқ қилиш бўйича етакчи олимлар: жумладан А. Fridman, М. Keidar, А. Bogaerts, М. Kushner, Т. von Woedtke, J. Benedikt, D. Graves, V. Miller, J-M. Pouvesle, E. H. Choi, V. Colombo, S. Hamaguchi, G. Kroesen, M. Hori, K. D. Weltmann, M. Laroussi, D. O'Connell, L. Mir, Xinpei Lu, J. Vandow ва К. Остриковларнинг илмий мактаблари шуғулланишади. Плазма онкологиясида *in vitro* ҳамда *in vivo* тадқиқотлар ва дастлабки клиник синовлар жуда истикболли натижалар бераётганига қарамасдан, асосий механизмларни чуқурроқ тушунишга эҳтиёж ҳануз катталигича қолмоқда. САПнинг саратонга қарши фаоллигининг плазма ҳосил қилган реактив кислород ва азот турлари (РКАТ) билан боғлиқлиги эътироф этилган. Бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатдики, плазма билан ишлов берилганда саратон хужайраларида пайдо бўладиган хужайра ичидаги РКАТ нормал хужайраларга нисбатан сезиларли даражада ошган ва РКАТнинг бу юқори даражаси саратон хужайраларининг танлаб йўқ қилинишига катта эҳтимоллик билан сабаб бўлади. Ҳақиқатан ҳам,

¹ Мавзу бўйича халқаро тадқиқотлар шарҳи қуйидаги шарҳ мақолаларига асосланган: М. Keidar, Plasma Sources Sci. Technol. 24 (2015) 033001, D. Yan et al. Oncotarget 8 (2017) 15977 ва А. Bogaerts et al. Front. Chem. Sci. Eng. 13 (2019) 253.

саратон хужайраларида метаболизм кучлироқ бўлганлиги сабабли, уларнинг базал хужайра ичидаги РКАТ даражаси (концентрацияси) нормал хужайралардагига нисбатан юқори бўлади. Уларга хужайра ташқарисидан кўшимча РКАТ таъсир қилганида, саратон хужайралари ичидаги РКАТ даражаси мумкин бўлган чегарадан (яъни бўсагадан) ошиши мумкин, бу эса хужайралар ўлимига олиб келади. Шу сабабли, саратон хужайралари плазма билан таъсирлашганда нормал хужайраларга қараганда кўпроқ апоптозга (яъни дастурлаштирилган хужайра ўлимига) учраши мумкин.

РКАТ хужайра ичидаги ва хужайралараро муҳитдаги асосий биокимёвий йўллари, шу жумладан хужайралардаги физик ва кимёвий ўзгаришларни, тартибга солади. Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тирик хужайраларга плазма орқали ишлов бериш хужайра ичидаги сигнал ўзгаришларига олиб келади, бу эса хасталикларни даволашда муҳим аҳамиятга эга. Аммо, плазма ҳосил қилган реактив зарралар хужайра ичидаги жараёнларни қандай тартибга солиши, яъни бевосита, хужайра ичидаги таркибий қисмларни модификациялаш орқали ва/ёки билвосита, хужайрадан ташқари таркибий қисмларни ёки ташқи мембранани ўзгартириш орқали ҳали ҳам аниқ эмас. Шубҳасиз, бу кўпроқ эксперимент ва компьютер симуляцияларига асосланган фундаментал тадқиқотлар ўтказилишини тақозо қилади.

Гарчи экспериментал тадқиқотлар зарур бўлсада, компьютерда моделлаштириш тадқиқотлари ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади, чунки улар нано ўлчамли (нм ва нс) жараёнлар тўғрисида фундаментал тушунчалар беради, бу эса экспериментал равишда ўрганиш қийин бўлган механизмларни батафсил тадқиқ қилишга имкон яратади. Аммо, ҳозирги кунгача реактив плазма зарралари билан биомолекулаларнинг ўзаро таъсирини *in silico* тадқиқ қилишга жуда ҳам кам эътибор берилган.

РКАТнинг хужайралар ичига кириб боришини тушунтирувчи учта эҳтимолий механизмлари таклиф этилган: а) реактив зарраларнинг трансмембрана оқсил каналлари орқали фаол (яъни тўғридан-тўғри) транспорти; б) ўтказувчанликнинг ошишига олиб келувчи хужайра мембранасининг бу зарралар томонидан кимёвий модификацияси; с) хужайра ичида стресс сигналига олиб келувчи маълум оқсиллар билан бу зарраларнинг ўзаро таъсири, буларнинг барчаси хужайрадаги РКАТ даражасининг ошишига сабаб бўлиши мумкин. Саратон хужайраларида юз берадиган РКАТнинг хужайра ичида сезиларли ошишини тушунтирувчи механизмларнинг барчаси ушбу докторлик ишида тадқиқ этилган.

Тадқиқот мавзусининг илмий иш бажарилган олий таълим муассасасининг тадқиқот фаолияти билан боғлиқлиги. Тадқиқотлар Антверпен Университетининг (Бельгия) PLASMANT гуруҳи илмий ишлари режасига мувофиқ ва Фландрия илмий тадқиқот фонди томонидан молиялаштирилган қуйидаги постдокторлик тадқиқот лойиҳалари доирасида олиб борилган: № 1200216N “Плазма ёрдамида саратонини даволашда атомар ўлчамдаги моделлаштириш” (2015-2018 йиллар, Антверпен университети,

Бельгия) ва № 1200219N “Плазма асосида саратон хасталигини даволаш: Атомар даражадаги симуляция” (2018-2021, Антверпен университети, Бельгия).

Тадқиқотнинг мақсади совуқ атмосферик плазма туфайли юзага келадиган реактив зарраларнинг биомолекулалар билан ўзаро таъсири механизмларини аниқлаш орқали плазманинг биомолекулаларга таъсирини ўрганиш бўйича фундаментал тушунчаларга эга бўлиш ва, хусусан жараёнларда реактив зарраларининг ролини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

махсус биомолекулалар учун мос модел системаларни аниқлаш; уларнинг фазовий ҳамда атомар тузилишларини (структураларини) ўрнатиш ва сўнгра энергиясини минималлаштириш ва мувозанатлаш;

модел мембранада плазма ҳосил қилган реактив зарралар томонидан содир қилинган бош гуруҳ ва липид дум оксидланишининг эффеқтини ўрганиш; ушбу модел мембрана оксидланишида реактив кислород турларининг ўзига хос ролини аниқлаш;

хужайра мембранасининг ўтказувчанлигига электр майдон ва липид оксидланишининг синергистик таъсирини ўрганиш; мембранада ғовак ҳосил бўлиши (яъни электропорация) учун зарур бўлган электр майдонининг бўсағавий қийматини аниқлаш; мембрана бўйлаб реактив турларнинг ўтказувчанлик эркин энергия барьерларини ҳисоблаш;

табиий ва оксидланган мембраналар орқали плазма ҳосил қилган турларнинг ўтиш жараёнларини уларнинг транспорт эркин энергия профилларини ҳисоблаш орқали ўрганиш;

табиий ва оксидланган мембрана бўйлаб фосфатидилсериннинг ‘flip-flop’ (яъни бир қатламдан иккинчи қатламга ўтиш) ҳаракатини тадқиқ қилиш; транслокация учун эркин энергия барьерларини ҳисоблаш;

плазма зарраларининг хужайраларга киришида липид думининг тўйинганлик даражаси, липид бош гуруҳининг тури ва мембранадаги холестерин улушининг эффеқтни тадқиқ этиш;

гомоген ва гетероген мембрана системаларидан фойдаланиб оксидланган мембраналарда механик стресс (ёки кучланиш) эффеқтини ўрганиш;

аквапорин трансмембран оқсил канали бўйлаб реактив зарралар транспортига плазма орқали оксидланишнинг таъсирини тадқиқ қилиш; эркин энергия ва диффузия коэффициенти профилларини ҳисоблаш; ўтказувчанлик механизмларини аниқлаш;

хСТ антипортер томонидан цистин транспортига оксидловчи стресснинг таъсирини ўрганиш; ушбу оксидланган оқсил каналидаги аминокислоталарнинг қайта жойлашувини тадқиқ этиш;

инсон эпидермал ўсиш факторининг структуравий хусусиятларида плазма орқали оксидланишнинг ролини аниқлаш; ушбу оқсил системасида конформацион ўзгаришларни ўрганиш;

плазма ёрдамида оксидланишнинг цитоглобин оқсили структурасига таъсирини тушуниш; молекула ичида ҳосил бўлган дисульфид боғининг эффектини тадқиқ қилиш;

токсик амилоид бета пептид агрегацияси барқарорлигида плазма орқали оксидланишнинг ролини аниқлаш; структуравий ўзгаришларни таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида реактив кислород ва азот турлари (зарралари), турли хил табиий ва оксидланган липид молекулаларидан ташкил топган фосфолипид қўш қатлам, табиий ва оксидланган аквапорин ва хСТ интеграл мембрана оқсиллари, шунингдек сигнал, глобулар ва толасимон оқсиллар учун модел системалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети модел системада атомлар жойлашуви, тезлиги ва ўзаро таъсир энергиялари, битта липидга тўғри келувчи юза ва қўш қатлам қалинлиги, фосфолипид қўш қатлам ва аквапорин орқали реактив зарраларнинг ўтиш эркин энергия ва диффузия коэффициенти профиллари, ўтказувчанлик коэффициенти, эркин энергия баръери, ғовак ҳосил қилиш электр майдон кучланганлиги ва ўртача вақти ҳамда боғланиш эркин энергияси ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар жараёнида реактив ва реактив бўлмаган молекуляр динамика (МД) ҳамда соябонли намуна олиш (umbrella sampling–US) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор РКАТнинг фосфолипид қўш қатлам (ФҚҚ) бош гуруҳлари билан ўзаро таъсирини ва сўнгра бош гуруҳ ва липид дум оксидланишининг мембрананинг структуравий ва динамик хусусиятларига таъсирини, турли хил моделлаштириш усулларидан фойдаланган ҳолда тизимли ўрганиш усули яратилган ва олинган симуляция натижалари ва тажрибалар ўртасида яхши мувофиқликка эришилган;

САП туфайли юзага келган электр майдон ва липид оксидланишининг ФҚҚда ғоваклар ҳосил бўлишида синергистик эффектининг молекуляр даражадаги механизмлари идентификация қилинган;

липид думларининг оксидланиши электропорацияни бошлаш учун зарур бўлган ўртача вақтнинг камайишига, шунингдек ФҚҚда ғовак пайдо бўлиши учун зарур бўлган бўсағавий электр майдон пасайишига олиб келиши топилган;

илк бор плазма орқали оксидланишнинг ФҚҚда содир бўладиган жараёнларга, жумладан фосфатидилсерин ‘flip-flop’ (бир қатламдан иккинчи қатламга ўтиш) ҳаракатига, РКАТ транспортига ва механик кучланишга таъсирини ўрганиш учун тизимли усуллар ишлаб чиқилган;

ФҚҚнинг оксидланиши гидрофилик РКТнинг у орқали ўтиш эркин энергия баръерларининг умумий пасайишига олиб келиши, ҳолбуки, гидрофобик РКАТ табиий ва оксидланган ФҚҚлар орқали сезиларли даражада яхшироқ ўта олишлари мумкинлиги кўрсатилган;

ФҚҚнинг оксидланиши ФҚҚ орқали фосфатидилсерин транслокациясини осонлаштириши, ундан ташқари механик стресс остидаги ФҚҚда ғовак пайдо бўлиши учун керак бўладиган нисбий кенгайишни пасайтириши, шу билан мембрананинг оқувчанлигига ҳисса қўшиши аниқланган;

илк бор аквапорин (AQP) трансмембран оқсил канали орқали гидрофилик ва гидрофобик РКАТнинг ўтиш жараёнларини тадқиқ қилиш усули яратилган;

гидрофилик зарралар хужайрага AQPлар орқали кириши таклиф қилинган, чунки уларнинг липид мембранаси орқали кириши учун янада юқорирок энергиявий барьерга дуч келиши кўрсатилган;

гидрофобик РКАТ хужайрага катта эҳтимол билан, липид оксидланиши содир бўладиган, мембрана орқали кириши аниқланган, чунки уларнинг AQP орқали ўтиш энергиявий барьерлари юқорирок бўлиши топилган;

илк бор турли симуляция методларидан фойдаланиб, цистин (CYS)нинг хСТ антипортер оқсили орқали транспорт жараёни тўлиқ кузатилган;

хСТнинг оксидланиши CYS транслокацияси учун эркин энергия барьерини келтириб чиқариши ва шу билан CYS нинг субстрат боғланадиган жойга киришини тўсиб қўйиши кўрсатилган;

учта оқсил модел системаларининг хусусиятларига плазма орқали оксидланишнинг таъсири батафсил текширилган; шу мақсадда модел оқсилларнинг оксидланган шакллари яратиш учун (яъни уларни модификация қилиш учун) муайян аминокислоталар танланган; симуляциялар тажрибалар билан биргаликда олиб борилган ва натижаларнинг сифат жиҳатидан мувофиқлигига эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли хил моделлаштириш методларининг комбинацияси ёрдамида совуқ атмосферик плазма ҳосил қилган зарраларнинг биомолекулалар билан ўзаро таъсирини атомар даражада тадқиқ қилиш усуллари таклиф қилинган;

реактив ва реактив бўлмаган МД ҳамда US методларини бирлаштириш орқали плазма туфайли юзага келувчи фосфолипид қўш қатламда содир бўладиган структуравий ва динамик ўзгаришлар, унинг ўтказувчанлигининг ўзгариши, унга оксидланиш, электр майдони ва механик кучланишнинг таъсири ҳамда у орқали реактив плазма зарраларининг транспорти жараёнларини ўрганиш усуллари яратилган;

US-MD ва GLE методлари ҳамда HOLE ва STRIDE каби дастурларни биргаликда қўллаш ёрдамида совуқ плазма орқали оксидланишнинг интеграл мембрана оқсиллари хусусиятларига ва ўтказувчанлигига таъсири, улар орқали турли хил турлар ўтишининг мураккаб механизмларини тизимли тадқиқ қилиш имконияти кўрсатилган;

модел оқсилларда турли хил оксидланиш даражаларини ҳосил қилишда ўзига хос ёндашув усули, яъни тажриба ва симуляция натижаларига таянган ҳолда муайян аминокислоталарни модификациялаш методи тадбиқ қилинган;

плазма туфайли оксидланган оксилларнинг структуравий хусусиятларини, улардаги конформацион ўзгаришларнинг оксиллар барқарорлигига таъсирини ўрганиш мақсадида реактив бўлмаган МД ва молекуляр бириктириш симуляцияларини биргаликда ишлатиш ҳамда олинган натижаларни таҳлил қилувчи ҳар хил усуллар (яъни PCA, SASA ва DSP) комбинациясини қўллаш услублари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий моделлаштириш усулларини қўллаш ёрдамида олинганлиги, шунингдек, адекват модел тизимлари ва ҳисоблаш алгоритмларининг ишлатилганлиги ҳамда олинган натижалар экспериментал натижаларга мувофиқлиги билан исботини топган. Бундан ташқари, докторлик иши натижаларини ўзида мужассам қилган мақолалар юқори импакт факторли журналларда чоп этилган ва етакчи мутахассислар томонидан тақриз қилинган. Докторлик ишининг натижалари *AdvancedScienceNews.com* илмий янгиликлар веб-сайтида ёритилган ҳамда плазма тиббиётига бағишланган китобларга киритилган, яъни “*Plasma medical science*”, S. Toyokuni *et al.*, Academic Press, 2018 (4-боб) ҳамда “*Plasma cancer therapy*”, M. Keidar, Springer, 2020 (7- боб).

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, замонавий компьютер симуляцияларини қўллаш орқали, совуқ плазма билан биомолекулалар ўзаро таъсирининг фундаментал физик-кимёвий жараёнларини, ушбу жараёнларни қандай бошқариш мумкинлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, аниқлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган симуляция натижалари саратон хасталиги билан боғлиқ бўлган биомолекулалар билан плазма ўзаро таъсири механизмларини яхшироқ тушунишга, шунингдек, тажрибада олинган тегишли натижаларни молекуляр даражада талқин қилишга муҳим ҳисса қўшади. Моделлаштириш натижалари асосида САПнинг мумкин бўлган фойдали (ёки зарарли) таъсирларини олдиндан айтиш мумкин, бу эса, ўз навбатида, янада мақсадли ва самарали тиббий плазма терапияларини яратиш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларининг асосий татбиқи олинган натижаларга, *Web of Science* илмий маълумотлар базасига кўра, юқори импакт факторли журналларда чоп этилган 250 дан ортиқ экспериментал ва моделлаштириш тадқиқотларида, шунингдек шарҳ мақолаларида иқтибос келтириш орқали жорий қилинган:

плазма ҳосил қилган РКАТнинг ФҚҚ билан ўзаро таъсири ва сўнгра бош гуруҳ ва липид дум оксидланишининг мембрананинг хусусиятларига таъсири, шунингдек электр майдони ва липид оксидланишининг ФҚҚ ўтказувчанлигига синергистик таъсири натижалари [*Biol. Chem.* 2019; 400: 19 (IF=3.014), *Sci. Rep.* 2019; 9: 4496 (IF=4.011), *J. Chem. Inf. Model.* 2019; 59: 4413 (IF=3.966), *Cells* 2020; 9: 847 (IF=5.656), *Trends Biotechnol.* 2018; 36: 594 (IF=13.747), *J. Am. Chem. Soc.* 2018; 140: 9606 (IF=14.695), *Chem. Rev.* 2019; 119: 5954 (IF=54.301),

Mat. Sci. Eng. R. 2019; 138: 36 (IF=22.25)] да натижаларни талқин қилиш ва тавсифлашда ишлатилган;

плазма туфайли оксидланишдан келиб чиққан ФКҚда содир бўладиган жараёнлар, чунончи РКАТ транспорти ва фосфатидилсерин ‘flip-flop’ ҳаракати каби тадқиқотлар натижалари [*J. Phys. Chem. B* 2018; 122: 10362 (IF=2.923), *Phys. Chem. Chem. Phys.* 2019; 21: 19327 (IF=3.567), *Cancers* 2020; 12: 269 (IF=6.162), *Nanoscale* 2019; 11: 19497 (IF=6.97), *Cancers* 2019; 11: 1109 (IF=6.162), *Int. J. Mol. Sci.* 2020; 21: 1939 (IF=4.183), *Curr. Opin. Struc. Biol.* 2018; 51: 177 (IF=7.052), *Annu. Rev. Biophys.* 2019; 48: 421 (IF=12.175), *Chem. Rev.* 2019; 119: 5954 (IF=54.301)] да таҳлил қилинган ва кўриб чиқилган;

аквапорин орқали гидрофилик ва гидрофобик РКАТнинг ўтиши, шунингдек цистиннинг хСТ оксил канали орқали траспорти бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари [*J. Chem. Inf. Model.* 2018; 58: 2193 (IF=3.966), *Oxid. Med. Cell. Longev.* 2019; 2019: 9062098 (IF=4.868), *Cells* 2019; 8: 1316 (IF=5.656), *Cancers* 2019; 11: 1920 (IF=6.162), *Arch. Biochem. Biophys.* 2020; 681: 108253 (IF=3.559), *Neurochem. Res.* 2020; 45; 1375 (IF=2.782), *J. Membr. Biol.* 2019; 252: 465 (IF=1.746), *Arch. Biochem. Biophys.* 2019; 674: 108114 (IF=3.559), *Cancers* 2020; 12: 269 (IF=6.162)] да муҳокама қилинган ва ишлатилган;

учта оксил модел системалари, яъни инсон эпидермал ўсиш фактори, амилоид бета пептид ва цитоглобиннинг структуравий хусусиятларига плазма орқали оксидланишнинг таъсири тадқиқотлари натижалари [*Oxid. Med. Cell. Longev.* 2019; 2019: 9062098 (IF=4.868), *Cancers* 2019; 11: 1920 (IF=6.162), *Cancers* 2018; 10: 394 (IF=6.162), *J. Mol. Graph. Model.* 2020; 96: 107535 (IF=1.863), *Sci. Rep.* 2019; 9: 16080 (IF=4.011), *ChemSusChem* 2020; 13: 2072 (IF=7.804), *Molecules* 2019; 24: 2568 (IF=3.06), *Plasma. Process. Polym.* 2018; 15: e1800078 (IF=3.173)] да олинган натижалар таҳлили учун фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Олинган тадқиқот натижалари 31 та нуфузли халқаро конференция, симпозиум ва семинарларда тақдим этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Хусусан, таклиф қилинган маърузалар тўртта халқаро конференцияда тақдим этилган, жумладан 19th Gaseous Electronics Meeting (February 14-17, 2016, Geelong, Australia), International Conference on Electrical Discharges with Liquids (March 13-17, 2016, Kocaeli, Turkey), 2017 International Forum on Functional Materials (June 27-29, 2017, Jeju, Korea) ва 3rd Strasbourg Workshop on Membrane Biophysics (December 3-4, 2018, Strasbourg, France). Бундан ташқари, илмий натижалар маърузалар сифатида халқаро анжуман ва семинарларда тақдим этилган, масалан, 4th Young Professionals Workshop on Plasma Medicine (September 21-24, 2015, Rostock, Germany), 6th International Conference on Plasma Medicine (September 4-9, 2016, Bratislava, Slovakia) ва 7th International Conference on Plasma Medicine (June 17-22, 2018, Philadelphia, USA). Нуфузли конференцияларда иштирок этиш Фландрия илмий тадқиқот

фонди (Бельгия) томонидан тақдим этилган грантларни (№ K179517N ва № K105116N) олиш орқали амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Докторлик тадқиқотлари натижалари бўйича жами 56 та илмий иш нашр қилинган, жумладан 23 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган, *Web of Science* илмий маълумотлар базасида акс этган нуфузли хорижий илмий журналларида нашр этилган.

Тақдимноманинг тузилиши ва ҳажми. Тақдимноманинг таркиби кириш, бешта бўлим, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Тақдимноманинг ҳажми 88 бетни ташкил этади.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш. Ушбу тадқиқот совуқ атмосферик плазма туйғулари юзага келадиган реактив зарраларнинг биомолекулалар билан ўзаро таъсири механизмларини аниқлаш орқали плазманинг биомолекулаларга таъсирини ўрганиш бўйича фундаментал тушунчаларга эга бўлиш ва, хусусан жараёнларда реактив зарраларининг ролини аниқлашга қаратилган.

Биринчи бўлим: Моделлаштириш методлари. МД симуляцияси (molecular dynamics–MD) усулида системадаги атомларнинг фазо ва вақт бўйича ҳаракат динамикаси Ньютон қонунлари билан ифодаланади. Атомларга таъсир этувчи кучлар квант механикаси (quantum mechanics–QM) қоидаларига асосланган (“*ab initio* MD”) ёки классик атомлараро ўзаро таъсир потенциали ёки куч майдони (“classical MD”) орқали ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, оралик ҳисоблаш методлари, яъни QM концепцияларига асосланган, аммо бир қатор мослаштириш параметрларини ўз ичига олган ярим эмпирик усуллар ҳам мавжуд, масалан зичлик функционали назарияси (density functional theory–DFT)га асосланган зич-боғлаш (density-functional tight-binding–DFTB) методи.


Реактив МД (реактив куч майдонига асосланган метод) кимёвий реакцияларни, яъни боғ ҳосил бўлиши ва узилишини, моделлаштиришга имкон беради, бу эса симуляциялар учун кўп вақт ва ресурслар талаб қилади, шунинг учун бу метод ёрдамида фақат қисқа вақт оралиғидаги (10^2 - 10^3 пс) ва кичик системалардаги (10^2 - 10^3 атом) жараёнларни моделлаштириш мумкин. Реактив бўлмаган МД эса, ўз навбатида, моделлаштиришда анча тез бўлиб, узоқроқ вақтли жараёнларни (бир неча 100 нс) ва каттароқ системаларни (10^4 - 10^5 атом) симуляция қилишга имкон беради.

DFTB-га асосланган реактив МД симуляциялари. DFTB - бу заряд зичлиги флуктуациялари (ўзгаришлари)га нисбатан DFT умумий энергия ифодасини Тейлор қаторига ёйишга асосланган аппроксимацияли DFT методи

ҳисобланади. У ўрганилаётган структуралар реакция энергиялари ва геометрияларини ишончли тавсифини таъминлайди, симуляция натижаларининг экспериментал қийматлардан оғиши DFT билан таққослаш даражасида эканлиги таъкидланади, шу билан бирга DFTга нисбатан икки катталиқ тартиби тезроқ ҳисоблаши айтилади. Бу методнинг ҳисоблаш тезлиги AM1 ва PM3 каби ярим эмпирик методларники сингари. Ушбу метод дисперсия кучларини эмпирик усуллар ёрдамида ечиш орқали каттароқ биомолекулаларни тадқиқ қилиш имкониятларини кенгайтирди.

Реактив бўлмаган МД симуляцияси тажрибалар билан оқилона мувофиқликни таъминлаш учун юқори параметрланган классик куч майдонлари (ёки потенциаллар)дан фойдаланади. Ушбу ишда GROMOS куч майдони қўлланилди, у тадқиқотда ишлатилган оқсил ва липид кўш қатлам системаларини аниқлик билан тавсифлай олади. У бирлашган-атом куч майдони ҳисобланиб, унда маълум бир атомлар гуруҳи (асосан CH_x) ягона гуруҳ сифатида қаралади, шунинг учун у катта (10^5 атофидаги атомли) системаларни яхши аниқлик билан бошқаришга қодир. GROMOS аллақачон кўплаб моделлаштириш тадқиқотларида қўлланилган ва тажрибаларга мос натижаларга эришилган. У модификацияланмаган (яъни табиий) ва модификацияланган (яъни оксидланган) липид молекулалари ва аминокислоталарнинг параметрларини ўзида мужассам этган ва шунинг учун физик жараёнларни, масалан, реактив кислород ва азот турлари (PKT ва PAT ёки PKAT)нинг табиий ва оксидланган липид кўш қатлами ва/ёки оқсил канали орқали транспортини, шунингдек ушбу системалардаги структуравий ва конформацион ўзгаришларни моделлаштириш имконини беради.

US методи реакция координатаси бўйлаб эркин энергия фарқларини ҳисоблашда ёрдам беради. У ‘соябон’ потенциалини қўллаш орқали намуна олишни кучайтириш учун ишлатиладиган кучли методларидан биридир. US да қўлланиладиган ташқи гармоник ‘биас’ (таъсир қилувчи) потенциал системани бир термодинамик ҳолатдан иккинчисига реакция координатаси бўйлаб белгиланган йўналиш ва тезликда ўтказилади. Шундай қилиб, бошланғич ҳолатидан якуний ўтиш ҳолатига қадар оралик қадамлар бир қатор ‘ойналар’ орқали ҳосил бўлади. Ушбу ойналарни кўриладиётган (ёки ўрганиладиётган) молекулалар орасидаги маълум масофага қараб қисмларга бўлиб, бир қатор индивидуал системаларни ажратиш олиш мумкин. Масалан, мембранага нормал бўйлаб жойлашган иккита атом орасидаги масофани реакция координатаси сифатида танлаш (ҳисобга олиш) мумкин. Ажратилган ойналар кейинчалик US-MD симуляцияларида ишлатилади ва олинган натижалар, ўлчанган гистограммани таҳлил қилиш методи (weighted histogram analysis method–WHAM)дан фойдаланиб, эркин энергия профили (ЭЭП)ни масофага боғлиқ равишда ҳисоблашга ёрдам беради. US-MD, масалан, иккита оқсил орасидаги боғланиш ёки диссоциация эркин энергиясини, ёки фосфолипид кўш қатлам (ФҚК, эукариотик хужайра мембранаси учун модел система, 1-расм) бўйлаб PKATнинг ЭЭПларини ҳисоблашда кенг қўлланилади.



1-расм. Реактив бўлмаган МД симуляцияларида хужайра мембранаси учун модел система сифатида ишлатиладиган ФҚҚ. У иккита қатламда жойлаштирилган 128 та липид ва ~8000 та сув молекулаларидан иборат. Сув қатламлари, кислород атомлари ва липид думлари мос равишда зангори, қизил ва кул рангларда кўрсатилган. Бош гуруҳининг Р (тўқ сариқ) ва N (кўк) атомлари тушунарли бўлиши учун каттароқ шарлар билан тасвирланган.

Симуляция методларидан ташқари айрим натижаларни таҳлил қилиш учун бошқа дастур ва усуллардан ҳам фойдаланилди. Хусусан, HOLE ва STRIDE дастурлари мос равишда оқсил каналлари бўйлаб ковак радиуси профилларини ҳисоблашда ва оқсилларнинг иккиламчи структурасини таҳлил қилишда ишлатилди. Бундан ташқари, US-MD симуляциясининг натижаларидан фойдаланиб, диффузия коэффиценти профилларини (ДКП) ҳисоблашда GLE усули қўлланилди. Ушбу метод гармоник осциллятор учун умумлаштирилган Ланжевен тенгламаси (generalized Langevin equation–GLE) ечимларига асосланган. Ўрин автокорреляция функцияси (ЎАКФ)ни интеграллаш орқали,

зарранинг ҳар бир z -ўриндаги диффузия коэффициентини $D(z)$ қуйидагича ҳисобланади:

$$D(z_i = \langle z \rangle_i) = \frac{\text{var}(z)^2}{\tau} \quad (1)$$

τ ЎАКФ ($C_z(t)$) интегралли орқали ҳисобланади:

$$\tau = \int_0^{\infty} C_z(t) dt \quad (2)$$

$C_z(t)$ функцияси траектория бўйлаб тўғридан-тўғри йиғиш (суммалаш) орқали ҳисобланиши мумкин:

$$C_z(t) = \langle \delta z(0) \delta z(t) \rangle \quad (3)$$

бу ерда

$$\delta z(t) = z(t) - \langle z \rangle \quad (4)$$

Кўришиб турганидек, GLE усулининг афзаллиги шундаки, диффузия коэффициентини бевосита z нинг дисперсияси ҳамда корреляция вақти τ орқали ҳисобланиши мумкин. Ушбу тадқиқотда GLE методи асосида ишлайдиган фортран код ёзилди ва унинг аниқлиги бир неча тест синовлари ўтказилиши ва натижаларни адабиётдаги қийматлар билан солиштирилиши орқали текширилди. ЭЭП ва ДҚПлардан фойдаланиб, модел системалар орқали зарраларнинг ўтказувчанлик коэффициентлари (P_m)ни ҳисоблаш мумкин:

$$\frac{1}{P_m} = \int_{z_1}^{z_2} \frac{e^{w(z)/k_B T}}{D(z)} dz \quad (5)$$

бу ерда $w(z)$ зарранинг модел система z -ўқи бўйлаб эркин энергияси.

Шундай қилиб, докторлик иши доирасида РКАТнинг ФҚҚ бош гуруҳлари билан ўзаро таъсирини тадқиқ этиш учун реактив DFTB-MD симуляциялари қўлланилди. Шу билан бирга, плазма орқали оксидланиш, электр майдон, механик стресс ва липид таркибининг ФҚҚ структуравий ва динамик хусусиятларига таъсирини ҳамда оксидланишнинг оксиллар конформациясига таъсирини ўрганиш учун реактив бўлмаган МД симуляцияларидан фойдаланилди (пастга қаранг). Ундан ташқари, ФҚҚ орқали РКАТнинг ўтиш жараёнлари ва фосфатидилсериннинг ‘flip-flop’ ҳаракати, шунингдек,

зарраларнинг модел оксиллар (AQP ва хСТ, пастга қаранг) бўйлаб транспортини тадқиқ қилиш учун US-MD симуляциялари қўлланилди.

Иккинчи бўлим: Хужайра мембранасининг ўтказувчанлиги. Ушбу бўлимда, САП туфайли ҳосил бўлган бош гуруҳ ва липид дум оксидланишининг хужайра мембранасига таъсири, РКАТнинг табиий ва оксидланган мембраналар орқали транспорти, шунингдек, хужайра мембранасининг ўтказувчанлигига электр майдон ва липид оксидланишининг синергистик таъсири ҳақидаги тадқиқотлар натижалари муҳокама қилинади.

Хужайра мембранасига бош гуруҳи ва липид дум оксидланишининг таъсири. Хужайра мембранаси хужайранинг муҳим қисмидир. Унинг асосий вазифаларидан бири хужайрани ташқи томондан келадиган нарсалар (мас., РКАТ)дан ҳимоя қилишдир. Шунинг учун плазма зарраларининг хужайра мембранаси билан қандай ўзаро таъсирлашиши, шу билан, масалан, липид оксидланишини ҳосил қилиши, ҳамда оксидловчи зарар келтириши учун хужайра ичига қандай кириб боришини ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади.

РКАТнинг ФКҚ билан ўзаро таъсири бўйича реактив МД симуляция натижалари юқори аниқликдаги масс спектрометрия (МС) тажрибалари билан таққослаш орқали тасдиқланди, реактив бўлмаган МД натижалари эса РКАТ манбаи ҳисобланувчи САП билан ишлов берилган липосомаларда ўтказилган тажрибалар билан тасдиқланди. Иккинчи ҳолатда, липосомалар оқувчанлигига САП нинг таъсири ўрганилди; бу липосомалар Лаурдан деб номланган флуоресцент зонд (молекула)ни интеграция қилиш орқали тайёрланди. Шундай қилиб, мембрана оқувчанлигининг ўзгаришини аниқлаш учун Лаурдан таҳлили ўтказилди. Бу таҳлил умумлаштирилган кутбланиш (generalized polarization–GP) қийматининг ўзгариши билан боғлиқ эди.

Реактив МД симуляциялари ва МС тажрибалари натижалари кўп учровчи оксидланиш маҳсулотлари сифатида иккита муҳим оксидланиш маҳсулотларини аниқлади, яъни липид думлари оксидланиши туфайли улардан бирида ҳосил бўлувчи альдегид гуруҳлари (ALD) ҳамда ФКҚ бош гуруҳи оксидланиши натижасида думлардан бирининг ажралиши ёки узилиши (OX2). Шундай қилиб, реактив бўлмаган МД симуляцияларида ушбу оксидланиш маҳсулотлари ҳисобга олинди (кўриб чиқилди) ва уларнинг ФКҚ хусусиятларига узоқ муддатли таъсирлари ўрганилди. Шу мақсадда кўш қатламнинг айрим муҳим хусусиятлари таҳлил қилинди:

1. *Битта липидга тўғри келувчи сирт юзаси*, у кўш қатлам сирти юзасини битта қатламдаги липидлар сонига нисбати орқали аниқланади,

$$A_L = \frac{L_x \times L_y}{n_L} \quad (6)$$

бу ерда L_x ва L_y - мос равишда ФКҚнинг x ва y ўлчамлари ва n_L - бу битта қатламда мавжуд бўлган липидлар сони.


2. *Кўш қатлам қалинлиги*, у ФКҚнинг қарама-қарши икки қатламида жойлашган фосфат гуруҳлари орасидаги масофаларни (*z*-компонентларини) ўртачалаш орқали ҳисобланади (яъни d_{P-P}).

3. *Дейтерий тартиб параметри*, S_{CD} , у кўш қатлам липид думларининг тартибини кўрсатувчи ўлчов катталиқ ҳисобланади. ФКҚ бош гуруҳларининг оксидланиши липид думларининг тартибланиш даражасига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин (пастга қаранг),

$$S_{CD} = \frac{1}{2} \langle 3 \cos^2(\theta_j) - 1 \rangle \quad (7)$$


бу ерда θ_j – C-D боғи ва мембрана нормали орасидаги бурчак.

Симуляция натижалари шуни кўрсатдики, OX2 ва бирлашган ALD+OX2 оксидланиш маҳсулотлари барча ҳисобланган катталиқлар бўйича қарама-қарши натижаларга олиб келади, аммо эффеқтлар ALD+OX2 учун яққолроқ кўринади (2-расм).



2-расм. а) табиий, яъни оксидланмаган, (b) фақат бош гуруҳлари оксидланган (яъни 50% OX2) ҳамда (c) бош гуруҳлари ва липид думлари оксидланган (яъни 25% OX2 ва 25% ALD) ФКҚларнинг схематик кўринишлари. Ранглар тушунтирилиши 1-расмдаги билан бир хил.


25% ALD оксидланиши аллақачон битта липидга тўғри келувчи сирт юзасининг ~10% га ошишига, кўш қатлам қалинлигининг эса ~10% га камайишига олиб келади, ҳатто ФКҚда 25% OX2 оксидланиш мавжуд бўлса ҳам (яъни 25% ALD + 25% OX2). Шундай қилиб, симуляция натижалари бош гуруҳ ва липид думлар тенг даражада оксидланганда кўш қатлам юзасининг умумий ошиши ва қалинлигининг камайишига олиб келишини башорат қилади, бу эса липидлар тартибини пасайтиради, натижада кўш қатлам оқувчанлиги ошади. Кўш қатлам оқувчанлигининг ўзгариши тажрибалар орқали ҳам аниқланди (3-расм).



3-расм. Лаурдан тахлили ёрдамида мембрана оқувчанлигининг ўзгаришини аниқлаш. Намуналарга плазма манбаи ёрдамида расмда кўрсатилган вақтлар давомида ишлов берилган. Оқувчанликнинг ўзгариши GP қийматининг ўзгариши билан боғлиқ: мусбат ΔGP оқувчанликнинг пасайишини ва манфий ΔGP оқувчанликнинг ортишини англатади.

Липосомаларга плазма орқали ишлов берилганда дастлаб мембрана қаттиқлигининг бироз ошишига ва ундан кейин оқувчанлигининг кучли ва доимий ўсишига олиб келди. Ушбу тажрибада кузатилган натижалар симуляция натижалари билан таққосланиши мумкин; ALD+OX2 оксидланиши липидлар тартибининг юқори даражада бузилишига олиб келади, OX2 нинг ўзи эса липидлар тартибининг ошишига олиб келади, аммо ALD+OX2 нинг эффекти кўпроқ намоён бўлади. Демак, липидлар тартибининг бузилиши мембрана оқувчанлиги билан боғлиқ деб фараз қилинган ҳолда, симуляция натижалари, умуман олганда, оксидланиш мембранада юқори оқувчанликка олиб келишини башорат қилади. Плазма билан ишлов бериш пайтида ёки ундан кўп ўтмай, юқори қаттиқлик кузатилди. Эҳтимол, бу дастлаб OX2 (яъни бош гуруҳ оксидланиши) содир бўлиши туфайлидир. Кейинги босқичда эса, липид думларининг ALD оксидланиши содир бўлади ва бу липидлар тартиби бузилишининг кучайишига олиб келади. Липидлар тартибининг камайиши РКАТнинг ҳужайра ички қисмига киришига ва оксидловчи зарар келтиришига имкон яратади ва натижада ҳужайралар ўлимига олиб келади.

Плазма зарраларининг табиий ва оксидланган мембраналар орқали ўтиши. Табиий ва оксидланган ФҚҚ орқали РКАТ транспорти ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш учун US-MD симуляциялари бажарилди. 4-расмда табиий ва 50% оксидланган ФҚҚлар орқали турли хил РКАТнинг ЭЭПлари кўрсатилган.



4-расм. Табиий ва 50% оксидланган ФҚҚлар бўйлаб гидрофилик (a-b) ва гидрофобик (c-d) РКАТнинг эркин энергия профил (ЭЭП)лари. Бош гуруҳлар (яъни Р атомлар, 1-расмга қаранг) ўртача жойлашган соҳаси очик қизил рангда кўрсатилган.

Кўриниб турибдики, табиий ва оксидланган ФҚҚлар орқали гидрофобик турлар (яъни NO , NO_2 , N_2O_4 , O_2 ва O_3), гидрофилик турлар (OH , HO_2 ва H_2O_2)га нисбатан, сезиларли даражада яхши кириб бориши мумкин, чунки уларда эркин энергия барьерлари анча паст. Демак, ФҚҚнинг оксидланиши гидрофобик РКАТ ЭЭПларига кучли таъсир кўрсатмайди, аммо гидрофилик зарралар энергия барьерларини сезиларли пасайтиради ва шу тариқа уларнинг

оксидланган ФҚҚлар орқали транслокацияси (ўтиши) эҳтимоллигини оширади. Бироқ, ушбу гидрофилик турларнинг ФҚҚ орқали ўтиш энергия барьерлари ҳали ҳам нисбатан юқори бўлиб қолмоқда (айниқса H_2O_2 учун), бу эса уларнинг хужайра ичига киришига имкон берувчи муайян оксил каналларига (мас., аквапоринлар), ёки электр майдон томонидан ҳосил қилинган ғовакларга эҳтиёж борлигини кўрсатади.


Электр майдони ва липид оксидланишининг хужайра мембранасининг ўтказувчанлигига синергистик таъсири. Маълумки, баъзи САП манбалари (липид оксидланишини келтириб чиқарувчи) РКАТни ҳосил қилишидан ташқари, мембраналарда ғовак пайдо бўлишига олиб келувчи кучли электр майдонларни ҳам юзага келтиради. Шу сабабли, плазма-хужайра ўзаро таъсирини чуқурроқ тушуниш мақсадида электр майдон ва ФҚҚ оксидланишининг синергистик эффекти тадқиқ этилди. Симуляция натижалари шуни кўрсатдики, электр майдонининг кучайиши мембранада ғовак ҳосил бўлиш вақтини қисқартиради. Бундан ташқари, липид думларининг оксидланиши ФҚҚда ғовак пайдо бўлиши (яъни электропорация) учун зарур бўлган электр майдон бўсағавий қийматининг пасайишига олиб келади (5-расм). Мембранада ҳосил бўлган (сувли) ғоваклар плазма зарраларининг хужайра ичига кириб боришини осонлаштиради ҳамда оксидловчи зарар келтиришига имкон яратади ва натижада хужайралар ўлимига олиб келади.

Учинчи бўлим: Хужайра мембранасининг плазма орқали оксидланиши. Ушбу бўлимда плазма туфайли оксидланишнинг мембрана орқали фосфатидилсерин ‘flip-flop’ (яъни бир қатламдан иккинчи қатламга ўтиш) ҳаракатига таъсири, H_2O_2 нинг турли хил липид таркибли мембрана орқали ўтиши ҳамда механик стресс (ёки кучланиш)нинг оксидланган мембраналарга таъсири натижалари кўриб чиқилади.

Фосфатидилсерин ‘flip-flop’ ҳаракатига плазма орқали оксидланишнинг таъсири. Фосфатидилсерин (phosphatidylserine–PS) липид молекуласининг мембрана бўйлаб ‘flip-flop’ ҳаракати апоптоз (дастурлаштирилган хужайра ўлими) сигнали юзага келишида муҳим рол ўйнайди. Ушбу ишда ФҚҚ бўйлаб PS ‘flip-flop’ ҳаракатининг мембрана оксидланиш даражасига боғлиқлиги тадқиқ қилинди. Натижалар шуни кўрсатдики, липидлар пероксидланиш даражасининг ошиши мембрана юзасининг кенгайишига (6-расм), бу эса (экспериментал натижаларга мувофиқ ҳолда) мембрана ўтказувчанлигининг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келади. Натижада, пероксидланиш даражасининг ошиши PSнинг мембрана бўйлаб ‘flip-flop’ эркин энергия барьерини пасайтиради (6-расм). Бу пировардида хужайра ташқи сиртига PSнинг транслокация тезлигини оширади ва мембрана юзасида PS топилиши (аниқланиши)га олиб келади, натижада макрофаглар (иммун тизим хужайралари)га хужайрани қамраб олиб ҳазм қилиши (яъни апоптоз) учун сигнал вазифасини бажаради.


Умуман, ФҚҚнинг оксидланиши PS транслокация энергия барьерининг камайишига олиб келишига қарамай, PSни ички қатламдан ташқи қатламга

Ўтказиш учун ҳали ҳам мембранада (мас., электр майдон туфайли) ҳосил бўлувчи (сувли) ғовакга эҳтиёж бор, чунки эркин энергия барьерлари PS ‘flip-flop’ ҳаракатининг ўз-ўзидан (бевосита) содир бўлиши учун ҳали ҳам юқори.




5-расм. ФҚҚда ғовак ҳосил бўлиши ўртача вақтининг липидлар оксидланиш даражасига боғлиқлиги, (a) альдегид оксидланиши ва (b) пероксидланиш. Натижалар турли хил электр майдон кучланганликлари учун ҳисобланган.

(a)



(b)




б-расм. (а) Фосфатидилсериннинг ФҚҚ орқали транслокация эркин энергия баръери ва (б) битта липидга тўғри келувчи сирт юзаси, икковининг ФҚҚ пероксидланиш даражасига боғлиқлиги.

Умуман, ФҚҚнинг оксидланиши PS транслокация энергия баръерининг камайишига олиб келишига қарамай, PSни ички қатламдан ташқи қатламга ўтказиш учун ҳали ҳам мембранада (мас., электр майдон туфайли) ҳосил

бўлувчи (сувли) ғовакга эҳтиёж бор, чунки эркин энергия барьерлари PS ‘flip-flop’ ҳаракатининг ўз-ўзидан (бевосита) содир бўлиши учун ҳали ҳам юқори.

Ушбу тадқиқот айниқса плазма тиббиёти учун қизиқарли, чунки плазма РКАТ ва электр майдонини ҳосил қилади, иккаласи ҳам (а) липидларнинг оксидланишига ва (б) ҳужайра мембранасида (сувли) ғовакларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин, шу билан PS ‘flip-flop’ тезлигини оширади ва натижада саратон ҳужайраларининг апоптозига олиб келади.


Мембрана таркибининг мембрана орқали H_2O_2 ўтишига таъсири. Саратон ва соғлом ҳужайралар мембраналари турли хил концентрацияли липидлар ва холестериндан ташкил топган. Шунинг учун, мембрана таркибий тузилишининг ФҚҚ орқали плазма зарраларининг ўтишига таъсирини тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади. Ушбу ишда фосфолипид везикула экспериментлари натижаларини талқин қилиш мақсадида US-MD симуляциялари бажарилди. Хусусан, H_2O_2 (РКТ вакили)нинг турли хил липидли таркибларга эга бўлган ФҚҚлар орқали транспорти (i) липид думининг тўйинганлик даражаси, (ii) липид бош гуруҳининг тури ва (iii) мембранадаги холестерин улушига эътибор қаратиш орқали тадқиқ этилди (7-расм). Охиргиси, фосфолипидлар ва холестерин ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қандай қилиб соғлом ва саратон ҳужайралар мембраналарининг плазма ҳосил қилган РКТга реакцияси (жавоби)га таъсир қилиши мумкинлиги бўйича тушунча бериш учун қилинди.



7-расм. DOPC, DPPC ва DPPE липидлари ҳамда холестериннинг схематик кўриниши. Пушти ранг билан ажратилган қисмлар ушбу ишда ўрганилган ҳар бир молекула таркибидаги муҳим фарқларни кўрсатади.

Экспериментал натижалар шуни кўрсатдики, дипалмитойл-фосфатидил-холин (dipalmitoyl-phosphatidyl-choline–DPPC) ёки диолеойл-фосфатидил-холин (dioleoyl-phosphatidyl-choline–DOPC) везикулаларида дипалмитойл-

фосфатидил-этаноламин (dipalmitoyl-phosphatidyl-ethanolamine–DPPE) улуши (концентрацияси)нинг ошиши липидлар тўпламини (зич жойлашувини) кучайтиради ва бу битта липидга тўғри келувчи сирт юзасининг камайишига олиб келади. Демак, DPPE концентрациясининг ошиши иккала системада ҳам РКТнинг пассив диффузиясига тўсқинлик қилиши керак. DPPE везикулалари учун, бу нарса US-MD симуляцияларида ҳам кузатилади, яъни DPPE улушининг ошиши ФКҚ орқали H_2O_2 ўтиш эркин энергия баръери ошишига олиб келади (8-расм (а ва с)).



8-расм. DPPE (а) ёки DOPC (б) везикулаларига САП ҳосил қилган РКТнинг киришига ҳамда DPPE (с) ва DOPC (д) модел мембраналари бўйлаб H_2O_2 ЭЭПларига DPPE концентрациясининг таъсири. (а) ва (б) да горизонтал ўқда келтирилган рақамлар ҳар бир компонентнинг моляр улушини англатади. Барча ҳолатлар учун холестерин миқдори 25 моль% га тенг.

Аммо, DOPC везикулаларида экспериментал натижалар DPPE улушининг ошиши билан ортиб борувчи ўтказувчанликни кўрсатади, бу эса US-MD симуляция натижаларига мос келмайди (8-расм (b ва d)). Бунинг сабаби шуки, DPPE концентрацияси ошганда липид уюмлари пайдо бўлиши мумкин, бу уюмлар DPPE ва холестериннинг юқори даражасини ўз ичига олади. Шундай қилиб, липид уюмлари вужудга келиши туфайли мембрананинг бошқа қисмлари DOPC липидлари билан бойитилиши мумкин, улар бу мембраналарнинг ‘заиф нуқтаси’ бўлиб хизмат қилади ва липид оксидланиши туфайли (сувли) ғовак пайдо бўлишига жуда мойил бўлади. Бу эса 8(b)-расмда кўрсатилган DOPC везикулалари учун, DPPE таркибини оширганда РКТнинг ошишини тушунтиради. DPPC везикулаларида бундай уюмлар ҳосил бўлмайди, чунки DPPC ва DPPE иккаласи ҳам бир хил алифатик липид думларга эга ва уларнинг холестерин билан ўзаро таъсири тенг даражада кучли.

Умуман олганда, тажриба ва симуляция натижалари шуни кўрсатдики, кўп қиррали физик ва кимёвий жараёнлар, жумладан липид оксидланиши, липидлар тўплами (зич жойлашуви) ва липид уюмларининг ҳосил бўлиши, рол ўйнаши мумкин. Ушбу тадқиқот САП таъсирига асосланган терапияларни ишлаб чиқишда ёрдам бериши мумкин, бунда хужайра мембранаси ва хужайралардаги оксидловчи стрессга реакция (жавоб) мақсад қилинган.


Механик стресснинг оксидланган мембраналарга таъсири. Липид оксидланишининг мембрана хусусиятларига таъсири механизмлари яхшироқ тушунилиши керак. Шу мақсадда, ушбу тадқиқотда (сувли) ғовак ҳосил қилиш қанчалик осонлиги ҳақидаги атомистик маълумотга эга бўлиш учун липид оксидланиши туфайли ФКҚ моделларида механик беқарорликни ўрганиш бўйича реактив бўлмаган МД симуляциялари бажарилди. Шундай қилиб, икки турдаги модел мембраналар, яъни битта компонентли гомоген (бир жинсли) ФКҚ ва икки компонентли гетероген ФКҚ ишлатилди. Хусусан, битта компонентли гомоген ФКҚ ҳолатида тўрт хилдаги модел мембраналар тадқиқ этилди (9-расм), яъни табиий палмитойл-олеойл-фосфатидил-холин (palmitoyl-oleoyl-phosphatidyl-choline–POPC) ва унинг оксидланган шакллари (POPCOH, POPCOOH ва POPCO). Гетероген мембрана ҳолатида эса табиий ва оксидланган фосфолипид доменлари (POPC+POPCOOH)дан ташкил топган система ўрганилди. Ушбу модел системалардан фойдаланиб, ғовак ҳосил бўлишининг энг бошида қайд этилган нисбий кенгайиш (яъни ε_A) ҳисобланди:

$$\varepsilon_A = \frac{\Delta A}{A_0} \quad (8)$$

бу ерда A_0 – мембрана сиртининг дастлабки юзаси, ΔA эса ўша юзанинг ҳар бир вақт momentiдаги ўзгариши.

Моделлаштириш натижалари шуни кўрсатдики, механик стресс (кучланиш) шароитида мембрананинг оксидланиши ε_A ни камайтиради ва унда (сувли) ғовак ҳосил бўлишига ёрдам беради, шу билан мембрананинг оқувчанлигига ҳисса қўшади. Гомоген ФКҚларда ε_A оксидланиш турига боғлиқ.

POPCON ва POPCOOH мембранани (сувли) ғовак пайдо бўлишига кўпроқ мойил қилади, POPCO эса сезиларли таъсир кўрсатмайди. Гетероген мембраналар (яъни POPC+POPCOOH) табиий POPC мембраналарига қараганда (сувли) ғовак пайдо бўлишига кўпроқ мойил бўлиб кўринади, аммо улар статистик ноаниқлик доирасида гомоген POPCOOH мембраналарига ўхшаб ўзини тутади.




9-расм. POPC молекуласи ва унинг оксидланган шакллариининг схематик кўриниши.

Ундан ташқари, гетероген мембраналарда ғоваклар POPC ва POPCOOH доменлари интерфейси (оралиғи)да ёки оксидланган соҳанинг асосий қисмида ҳосил бўлади.

Тўртинчи бўлим: Интеграл мембрана оқсилларининг ўтказувчанлиги. Ушбу бўлимда плазма орқали оксидланишнинг аквапорин (aquaporin–AQP) канали орқали РКАТ транспортига ҳамда хСТ антипортер орқали цистин (CYS) ўтишига таъсири натижалари муҳокама қилинади.

Гидрофилик ва гидрофобик РКАТнинг AQP орқали транспорти. AQPлар трансмембрана оқсил каналлари бўлиб, улар ҳужайра мембранаси бўйлаб нафақат сув молекулаларини, балки бошқа зарраларни, масалан, САП ҳосил қилган РКАТни ҳам ўтказадилар (10-расм). Дастлабки ишда, H₂O₂ нинг табиий AQP1 (AQP оиласининг аъзоларидан бири) ва ФҚҚ орқали ўтиши тадқиқ этилди. AQP1 бўйлаб H₂O₂ нинг эркин энергия баръери ФҚҚникига нисбатан

паст, ўтказувчанлик коэффиценти эса икки катталик тартиби (тахминан 380 марта) катта эканлиги аниқланди, бу эса H_2O_2 нинг хужайра ичкарасига кириб бориши AQP орқали бўлиши кераклигини кўрсатади.




10-расм. AQP (чапда) ва xCT антипортер (ўнгда) интеграл мембрана оқсилларининг схематик кўриниши. Плазма ҳосил қилган РКАТ (мас., H_2O_2) AQPнинг хужайрадан ташқари қисмини модификациялаб/оксидлаб (сарик юлдуз) ёки ўзгартирмасдан у орқали диффузияланиши ва хужайра ичидаги РКАТ даражасини ошириши мумкин. Ушбу зарралар xCT билан ҳам ўзаро таъсирлашиб, хужайрадан ташқари қисмини оксидлаши (сарик юлдузлар) ва натижада унинг функциясига таъсир қилиши мумкин (мас., цистин (CYS) транспортини тўхтатиш орқали). Бу ҳам, ўз навбатида, хужайрадаги РКАТ миқдорининг ошишига ҳисса қўшиши мумкин.

Бироқ, AQP орқали РКАТ транспортининг умумий табиати ҳали ҳам ноаниқ эди. Шунинг учун, кейинги ишда ушбу тадқиқот кўпроқ РКАТни жалб қилиш ва ўрганиш орқали кенгайтирилди. Хусусан, AQP1 бўйлаб гидрофилик (H_2O_2 ва OH) ва гидрофобик (NO_2 ва NO) РКАТнинг ўтиш жараёнлари тадқиқ этилди. Натижалар кўрсатдики, ўрганилган РКАТнинг барчаси AQP1 орқали ўтиши мумкин. OH ва NO зарраларининг AQP1 орқали ўтиш эркин энергия барьерлари H_2O_2 ва NO_2 ларникига нисбатан паст, бу ушбу зарраларнинг AQP1 ғовагининг ички қисмига киришини осонлаштириши ва AQP1 нинг аминокислоталари билан ўзаро таъсирлашиши мумкинлигини кўрсатади.

Плазма орқали ФКҚ (липид) ва AQP1 (оқсил) оксидланишининг юқорида келтирилган РКАТ транспортига таъсири ҳам тадқиқ этилди. Натижалар кўрсатдики, липид (OXL) ва оқсил (OXP) оксидланишининг иккаласи ҳам H_2O_2

ва NO_2 зарраларининг ўтиш эркин энергия барьерини бироз оширади, OH ва NO зарралари учун эса оксидланишнинг кучли таъсири кузатилмайди (11-расм). Шундай қилиб, гидрофилик зарралар ҳужайрага АҚРлар орқали кириши таклиф қилинди, чунки улар липид мембранаси, айниқса табиий ФҚҚ, орқали янага юқорироқ барьерга дуч келишади. Аксинча, гидрофобик РКАТ катта эҳтимол билан, липид оксидланиши содир бўладиган, мембрана орқали ўтишади, чунки уларнинг АҚР орқали ўтиш барьерлари юқорироқ.




11-расм. АҚР1 нинг табиий (NAT, қора чизик) ва оксидланган (OXL ва OXP, қизил ва яшил чизиклар) модел системалари бўйлаб гидрофилик (H_2O_2 ва OH) ва гидрофобик (NO_2 ва NO) зарраларнинг ЭЭПлари. Ҳужайра ичидаги ва ҳужайрадан ташқари сув қатламлари очик кўк рангда кўрсатилган. Жигарранг чизиклар ёрдамида АҚР1 нинг Asn-Pro-Ala (NPA) ва ароматик/Arg (ar/R) соҳалари ажратиб кўрсатилган.

Моделлаштириш натижалари саратон ҳужайраларида аниқланган САП туфайли РКАТнинг сезиларли даражада кўпайишининг туб механизмларини тушунишга ёрдам беради ва шу билан САПнинг саратонга қарши фаоллигида АҚРларнинг роли ҳақидаги тушунчалармизни яхшилади.

xCT антипортер оқили орқали цистин (CYS) транспорти. Ушбу тадқиқот икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда xCT , яъни xCT^- антипортер оқилининг CYS ва глутамат транслокациясига масъул енгили бўлинмаси, учта модел системаси орқали CYS ўтиш жараёнлари тадқиқ этилди (юқоридаги 10-расмга қаранг). Хусусан, xCT нинг ташқи томонга қараган (outward facing–OF), ёпиқ (occluded–OCC) ва ички томонга қараган (inward facing–IF) конфигурациялари кўриб чиқилди. Натижалар CYS ни ушлаб олиш, ташиш ва қўйиб юбориш учун масъул бўлган OF, OCC ва IF конфигурацияларида аминокислоталарнинг муҳим ролларини аниқлади. OF, OCC ва IF структуралари орқали CYSнинг ҳисобланган ЭЭПлари IF конформациясида CYS энергия минимуми энг юқори бўлишини кўрсатди, бу антипортердан CYS чиқиши учун кам энергия талаб этилишини англатади.

Иккинчи қисмда саратон хасталигини даволашда муҳим бўлган xCT оқили орқали CYS транспортига плазма туфайли оксидланишнинг таъсири тадқиқ этилди. Бу ишда xCT нинг OF конфигурацияси ҳисобга олинди ва оксидланиш таъсирини ўрганиш учун хужайра ташқи муҳитига яқин жойлашган xCT нинг Cys₃₂₇ аминокислота қолдиғи оксидланди. Натижалар шуни кўрсатдики, Cys₃₂₇ қолдиғининг оксидланиши CYS транслокацияси учун эркин энергия баръерини келтириб чиқаради (12-расм), бу эса OF структурасининг субстрат боғланадиган жойига CYS киришини тўсиб қўяди.




12-расм. Табиий ва оксидланган OF системалари бўйлаб CYSнинг ЭЭПлари. Оч кўк ранг хужайрадан ташқари сувли фазага тўғри келади.

Шундай қилиб, натижалар шуни кўрсатдики, хСТ каналини тўсиб қўйишда Cys₃₂₇ қолдигини (мас., САП орқали) оксидлаш уни Ala га мутациялашга қараганда самаралироқ.

Ушбу тадқиқот жуда муҳим, чунки у Cys₃₂₇ оксидланишининг оксил каналининг ёпилишига таъсирини тушунтиради ва шу билан хСТ орқали СҮС ўтишини қийинлашишини кўрсатади. Ушбу оксидланиш, масалан, кислотали рН муҳитидаги саратон ҳужайраларига САП қўлланилиши натижасида юзага келиши мумкин. Шундай қилиб, ушбу тадқиқот хС⁻ антипортерини тўсиб қўйиш орқали саратон ҳужайраларида СҮСга бўлган эҳтиёж (очлик) механизмини тушунтириши мумкин, бу эса ҳужайралар ичидаги глутатион (GSH, 10-расм) даражасининг пасайишига ва натижада ҳужайралар ўсишининг секинлашишига (ёки тўхташига), апоптоз юзага келишига ва саратон ҳужайралари дорига қаршилигининг пасайишига олиб келади.

Бешинчи бўлим: сигнал, глобулар ва толасимон оксилларнинг оксидланиши. Ушбу бўлимда плазма орқали оксидланишнинг инсон эпидермал ўсиш фактори ва цитоглобин оксилларининг структуравий хусусиятларига, шунингдек токсик амилоид бета пептид агрегациясининг барқарорлигига таъсири бўйича тадқиқотлар натижалари муҳокама қилинади.


















Инсон эпидермал ўсиш фактори (hEGF)нинг плазма орқали оксидланиши. hEGFлар кичик сигнал оксиллари бўлиб (13-расм), уларнинг оксидланиши структуравий ва конформацион ўзгаришларни келтириб чиқаради, бу эса ҳужайрадаги сигнализация йўллари тартибга солиниши ёки бузилишига олиб келади ва натижада ҳужайралар кўпайишига таъсир кўрсатади.



13-расм. Licorice (a) ва cartoon (b) кўринишидаги hEGF оксил структураси. (a) да цистеин қолдиқларининг олтингугурт атомлари ва улар орасидаги дисульфид боғлар аниқлик учун сариқ рангда кўрсатилган.


Ушбу ишда САП билан ишлов бериш натижасида келиб чиқадиган hEGF оксидланишини тадқиқ этиш мақсадида реактив бўлмаган МД симуляциялари ва экспериментлар биргаликда олиб борилди. Хусусан, САП билан ишлов беришнинг қисқа ёки узоқ вақтларига тўғри келувчи турли хил оксидланиш даражаларига эга hEGFнинг конформацион ўзгаришлари ўрганилди. hEGFнинг оксидланган структураларини ҳосил қилиш учун табиий hEGF таркибидаги маълум бир аминокислоталарни оксидланган шаклга ўзгартириш орқали эришилди (1-жадвал).

1-жадвал. Турли оксидланган hEGF оқсилларини ҳосил қилиш учун ишлатиладиган 10 та аминокислоталарнинг рўйхати ва уларнинг кимёвий тузилишлари.

AA in native hEGF	modified AA in oxidized hEGF	AA in native hEGF	modified AA in oxidized hEGF
 methionine (MET)	 methionine sulfoxide	 proline (PRO)	 pyroglutamic acid
 cysteine (CYS)	 cysteic acid	 lysine (LYS)	 allysine
 tryptophan (TRP)	 6-hydroxytryptophan	 glutamine (GLN)	 4-hydroxyglutamine
 tyrosine (TYR)	 3,4-dihydroxyphenylalanine	 valine (VAL)	 3-hydroxyvaline
 histidine (HIS)	 2-oxo-histidine	 leucine (LEU)	 4-hydroxy-leucine

Бунда оксидланиш бўйича hEGFнинг ўзига хос модификацияси моделлаштириш ва Фурье трансформацияси инфрақизил спектроскопияси (FTIR) натижаларини бирлаштириш орқали аниқланди. FTIR таҳлилари натижалари шуни кўрсатдики, плазма билан 45 с ишлов берилганда hEGF структурасида S=O ва OH гуруҳлари ҳосил бўлган (14-расм). Бу шуни англатадики, оксидланиш даражаси паст бўлган ҳолатда таркибида тиол гуруҳи мавжуд бўлган аминокислоталарни (Met ва Cys) симуляцияда модификациялаш учун уларни эътиборга олиш керак. 300 ва 600 с ҳолатларида эса (улар ўртача

ва юқори оксидланиш даражаларига мос келади), $\nu(\text{C-OH})$ сигналининг интенсивлиги пастроқ бўлди, C=O ҳосил бўлиши эса ошди (14-расм), бу тиол оксидланишидан ташқари, симуляцияда His ва Lys каби қолдиқларни ҳам модификациялаш кераклигини билдирди.




14-расм. Плазма билан ишлов берилган hEGFнинг FTIR спектрлари. Ҳар бир ишлов бериш вақти учун ўртача қиймат ва стандарт хато (соя шаклида) кўрсатилган. Ўқиш осон бўлиши учун спектрлар 0,03 ўзгармас коэффициентга силжиб кўрсатилган.

Симуляция қилинган hEGF тузилишида рўй берган структуравий ўзгаришларни текшириш учун айланма дихроизм (circular dichroism—CD) спектроскопияси ҳам амалга оширилди (15-расм). CD таҳлиллари натижалари шуни кўрсатдики, плазма ёрдамида 45 с ишлов бериш, hEGF иккиламчи структурасида контрол спектрига нисбатан озгина ўзгаришларни келтириб чиқаради, холбуки узокроқ ишлов бериш (300 ва 600 с) hEGF иккиламчи структурасининг бузилишига олиб келади. Бу симуляцияларда ҳам кузатилди.

Умуман олганда, симуляция ва экспериментал натижалар ўртасида сифат жиҳатидан яхши мувофиқликка эришилди. Олинган натижалар кўрсатдики, оксидланган структуралар (айниқса юқори оксидланиш даражасида) улардаги конформацион ўзгаришлар ва дисульфид боғларнинг узилиши туфайли, кўпроқ

эгилювчан бўлиб қолади. Бундан ташқари, паст оксидланиш даражаси hEGFнинг унинг рецептори билан боғланиш энергиясига сезиларсиз таъсир қилади (яъни ўзаро таъсир деярли бузилмайди), ҳолбуки юқори оксидланган hEGF унинг рецептори билан кам ўзаро таъсирлашади (яъни боғланиш бузилади). Бу охир-оқибатда, хужайранинг кўпайиш жараёнига ёрдам бериш ёки тўхтатиб қўйиш орқали таъсир қилади.




15-расм. CD-спектроскопияси ёрдамида плазма билан ишлов берилган hEGFнинг иккиламчи структуравий таҳлили.

Шундай қилиб, олинган натижалар узокроқ вақт давомида саратон хасталигини даволашда ва қисқа вақтларда эса ярани тузатишда САПдан фойдаланиш билан боғланиши мумкин.

Цитоглобин (CYGB) структурасига плазма ҳосил қилган РКАТнинг таъсири. CYGB оксидланиш-қайтарилиш реакциялари (redox)ни тартибга солувчи яқинда кашф этилган глобин оксиллардан биридир, у хужайрани оксидловчи стрессдан химоя қилишда иштирок этади деб фараз қилинади. Ушбу ишда плазма ҳосил қилган РКАТнинг CYGBга таъсири экспериментал тадқиқ этилди ва бу тажрибаларни қўллаб-қувватлаш (яъни натижаларнинг молекуляр механизмларини талқин қилиш) мақсадида компьютер симуляциялари ўтказилди. Экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатдики, CYGB ни САП билан ишлов бериш цистеин аминокислоталари (яъни, Cys₃₈ ва Cys₈₃) орасида дисульфид боғ ҳосил бўлишига олиб келади, яъни CYGB_{S-S}. Ушбу боғнинг CYGB структурасига таъсирини тадқиқ этиш учун МД

симуляциялари амалга оширилди. Симуляция натижалари шуни кўрсатдики, модификацияланган CYGB_{S-S} таркибидаги гем гуруҳининг табиий CYGB-дагига нисбатан эътиборсиз даражада силжиши мавжуд. Демак, Cys₃₈ ва Cys₈₃ орасида дисульфид боғнинг ҳосил бўлиши гем гуруҳининг локал ориентациясини ўзгартирмайди, бу ҳақда адабиётда ҳам маълум қилинган. Аммо, симуляция натижалари, гем гуруҳи яқинида жойлашган His₁₁₇ қолдиғи ўз ўрнини модификацияланган CYGB_{S-S} да сезиларли даражада ўзгартирганлигини кўрсатди. His₁₁₇ азот атомларидан бири билан гем темири орасидаги масофа модификацияланган CYGB_{S-S} да деярли икки баробарга ошди, бу дисульфид боғи туфайли юзага келган конформацион ўзгаришлар натижасида бўлди (16-расм).




16-расм. Қизил тўрсимон юза сифатида кўрсатилган табиий CYGB (a-b) ва модификацияланган CYGB_{S-S} (c-d) системаларнинг боғланиш (ўзаро таъсирлашиш) жойлари. Кўриниб турганидек, табиий CYGBда гем гуруҳига (яшил) яқинлашиш имконияти модификацияланган CYGB_{S-S} га нисбатан чекланган.

Шундай қилиб, САП оксидлаши туфайли дисульфид боғининг ҳосил бўлиши CYGBнинг 3D структурасига таъсир қилади ва шу билан His₁₁₇ нинг дарвоза функцияси орқали гем гуруҳига яқинлашиш имконияти очилади. Бу, ўз навбатида, гем гуруҳини жалб қилиш орқали CYGBда боғловчи яқинликни

оширади, қайсики тадқиқотнинг экспериментал натижалари билан мос келади. Ушбу тадқиқот жуда муҳим, чунки CYGB, молекуляр асосда, оксидловчи стрессга қарши ҳужайра курашишида рол ўйнаши имкониятига эга эканлиги тўғрисида қўшимча маълумот ва янги тушунчалар беради.

Оксидланишнинг токсик амилоид бета пептид агрегациясига таъсири. Мияда эримайдиган амилоид бета (A β) пептидларининг агрегацияси Альцгеймер хасталиги каби нейродегенератив хасталикларнинг бошланишига сабаб бўлиши маълум. Аммо, A β агрегатларини бекарорлаштиришни тушунтирувчи туб механизмлар ҳали ҳам яхши ўрганилмаган. A β агрегатларини САП орқали оксидлашга бағишланган сўнгги тажрибалар ушбу токсик агрегатларни йўқ қилишда истиқболли натижаларини кўрсатди. Шундай қилиб, ушбу тадқиқотда МД симуляцияларидан фойдаланиб A β пентамернинг стабиллигига оксидланиш таъсири ўрганилди. Симуляция натижалари шуни кўрсатдики, A β пентамернинг оксидланиши структурада юқори эгилувчанликка ва кўпроқ конформацион ўзгаришларга олиб келади ва шу билан эритувчига кириш имкониятини оширади. Бу ‘туз-кўприги’ ўзаро таъсири бузилган ОХ3 (15% оксидланиш) ҳолатида янада яққол кўринади. Бундан ташқари, оксидланиш пептидлараро боғланиш эркин энергиянинг пасайишига олиб келади (17-расм), натижада амилоид бета агрегацияси жараёнини издан чиқаради.



17-расм. Табиий ва оксидланган A β пентамер структураларининг ЭЭПлари (PMF). OX1, OX2 ва OX3 мос равишда 3, 9 ва 15% оксидланган структураларга тўғри келади. Боғланиш эркин энергиялари профиллардаги минимал ва максимал қийматлар фарқидан ҳисобланади.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқот Альцгеймер хасталиги учун муҳим бўлган токсик Аβ пептид агрегациясини секинлаштириш (ёки тўхтатиш)га сабаб бўладиган механизмларидан бирини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

ХУЛОСАЛАР

Экспериментал тадқиқотлар билан бир қаторда компьютер симуляциялари ҳам тирик ҳужайралар сиртида содир бўладиган молекуляр жараёнлар тўғрисида фундаментал тушунчалар бериши мумкин. Шу билан бирга, бу жараёнларни тажрибалар орқали ўрганиш қийин ёки ҳатто имконсиз бўлиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу докторлик ишида саратон ҳужайраларида юзага келадиган ҳужайра ичидаги РКАТнинг сезиларли даражада ошишининг барча учта потенциал механизмлари, яъни а) ўтказувчанликнинг ошишига олиб келувчи ҳужайра мембранасининг РКАТ томонидан модификацияси, б) РКАТнинг трансмембрана оқсил каналлари орқали фаол (бевосита) транспорти ва с) РКАТнинг ҳужайра ичидаги стресс сигналига олиб келувчи маълум оқсиллар билан ўзаро таъсири, атомар даражадаги замонавий компьютерда моделлаштиришдан фойдаланилиб батафсил тадқиқ этилди. Компьютер симуляцияларида модел системалар сифатида липид молекулаларининг ҳар хил турларидан ташкил топган ФҚҚ ва турли хил турдаги оқсиллардан фойдаланилди.

Ушбу докторлик ишида қилинган хулосалар қуйидагилардан иборат:

1. ФҚҚда липидларнинг плазма орқали оксидланиши битта липидга тўғри келувчи сирт юзасининг умумий ошишига ва қўш қатлам қалинлигининг камайишига олиб келади; аллақачон 25% ALD оксидланиши битта липидга тўғри келувчи сирт юзасининг ~10% га ошишига, қўш қатлам қалинлигининг эса ~10% га камайишига олиб келади, ҳатто ФҚҚда 25% OX2 оксидланиш мавжуд бўлса ҳам (яъни 25% ALD + 25% OX2); бу, натижада қўш қатлам оқувчанлигининг ошишига олиб келади.

2. Липид оксидланиши, шунингдек, мембрана ўтказувчанлигининг умумий ошишига олиб келади ва шу билан мембрана орқали РКАТ ўтишига таъсир қилади; ФҚҚ оксидланиши туфайли гидрофилик РКТ (ОН, NO₂ ва H₂O₂)нинг мембрана орқали ўтиш эркин энергия барьерлари камаяди, айниқса альдегид оксидланиш ҳолатида; 50% альдегид оксидланган ФҚҚда ОН, NO₂ ва H₂O₂ зарраларининг қўш қатлам марказига кириш активация энергиялари табиий ФҚҚ билан солиштирганда мос равишда 45, 26 ва 31% га камаяди; гидрофобик РКАТ (NO, NO₂, N₂O₄, O₂ ва O₃) сезиларли даражада паст энергия барьерларига эга бўлади ва шунинг учун табиий ва оксидланган ФҚҚлар орқали гидрофилик РКТга қараганда осонроқ ўтишади.

3. РКТнинг мембрана орқали ўтиш эркин энергия барьерларининг пасайиши ушбу турларнинг хужайра ичига (оксидловчи зарар келтириши учун) кириб бориши эҳтимоллигини оширади, аммо энергия барьерлари ҳали ҳам нисбатан юқори бўлиб, бу муайян оқсил каналларига ёки электр майдон томонидан ҳосил қилинган ғовакларга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

4. Электр майдонининг синергистик таъсири шуни кўрсатадики, липид оксидланиши мембранада ғовак пайдо бўлиши (яъни электропорация)ни бошлаш учун зарур бўлган ўртача вақтнинг камайишига, шунингдек мембранада ғовак пайдо бўлиши учун зарур бўлган бўсағавий электр майдоннинг пасайишига олиб келади; 0.4 В/нм электр майдон кучланганлиги ва 50% альдегид оксидланишида, ғовак ҳосил бўлиш вақти ~12 дан 1.2 нс гача (яъни 10 марта) камаяди, пероксидланган ФҚҚда эса оксидланишнинг кучли таъсири кузатилмайди (яъни ~12 ва 6 нс, 2 баравар камаяди).

5. Электр майдони туфайли ғоваклар ҳосил бўлиши мембранада битта-файлли сув дефекти (яъни, битта сув молекуласи кенглигидаги тор сувли канал) пайдо бўлиши билан бошланади, бу дефект тез (бир неча нс ичида) кенгайиб бориб натижада (сувли) ғовак ҳосил бўлишига олиб келади; ҳосил бўлган ғоваклар реактив плазма турларининг хужайра ички қисмига кириб боришини осонлаштиради ва натижада оксидловчи зарар келтиришига имкон яратади.

6. Липид пероксидланиш даражасини ошириш орқали PSнинг ички қатламдан ташқи қатламга ўтиш транслокация энергия барьерини камайтириш мумкин; табиий ФҚҚ учун ҳисобланган эркин энергия баръери 93 кЖ/моль га тенг ва у адабиётда келтирилган қийматлар оралиғида жойлашган (яъни 75-120 кЖ/моль); 50% пероксидланган ФҚҚда бу барьер 65 кЖ/моль гача пасаяди (яъни 30% камайиш); бу эса PS 'flip-flop' ҳаракатини осонлаштиради ва натижада хужайралар апоптозини келтириб чиқаради.

7. Механик стресс (кучланиш) шароитида мембрананинг оксидланиши нисбий кенгайиш (ϵ_A)ни камайтиради ва унда ғовак ҳосил бўлишига ёрдам беради, шу билан мембрананинг оқувчанлигига ҳисса қўшади; гомоген (бир жинсли) мембраналарда ϵ_A оксидланиш турига боғлиқ; табиий (PORC липидли) кўш қатламда $\epsilon_A=1.17$ ва бу қиймат тўлиқ пероксидланган (PORCOOH липидли) мембранада 0.9 гача пасаяди (яъни 23% пасайиш); гетероген (яъни PORC+PORCOOH) мембраналарда эса ғовак ҳосил бўлиши табиий PORC мембраналарига қараганда осонроқ (яъни PORCOOH га ўхшаш) ва ғоваклар ё интерфейсда ёки оксидланган соҳанинг асосий қисмида ҳосил бўлади;

8. Липид думининг тўйинганлик даражаси, липид бош гуруҳининг тури ва мембранадаги холестерин улуши ҳам плазма зарраларининг хужайралар ичига киришига таъсир қилади; мембранадаги DPPЕ улушининг ошиши 25% холестеринли DPPC ва DOPC мембрана системалари орқали H_2O_2 ўтишининг эркин энергия баръери ошишига олиб келади; турли хил физик ва кимёвий жараёнлар, жумладан липид оксидланиши, липидлар тўплами (зич жойлашуви) ва липид доменлари уюмларининг ҳосил бўлиши, РКАТни хужайралар ичига етказиб беришда рол ўйнаши мумкин.

9. AQP1 бўйлаб H_2O_2 ўтказувчанлик коэффициентлари ФКҚдагига нисбатан икки катталик тартиби, аниқроғи 388 марта, катта ($P_{\text{AQP1}} = 2.57 \text{ см/с}$ ва $P_{\text{РОРС ФКҚ}} = 6.62 \times 10^{-3} \text{ см/с}$) ва бу H_2O_2 нинг ҳужайра ичкарасига кириб бориши AQP орқали бўлиши кераклигини кўрсатади;

10. Гидрофилик (H_2O_2 ва OH) ва гидрофобик (NO_2 ва NO) РКАТнинг барчаси AQP1 орқали ўтиши мумкин; OH ва NO зарраларининг AQP1 орқали ўтиш эркин энергия барьерлари ($\sim 8 \text{ кЖ/моль}$) H_2O_2 ва NO_2 зарралариники ($\sim 12 \text{ кЖ/моль}$)га нисбатан паст, бу ушбу турларнинг AQP1 ғовагининг ички қисмига осон кира олишини ва AQP1 нинг аминокислоталари билан ўзаро таъсирлашиши мумкинлигини кўрсатади; липид ва оксил оксидланишининг иккаласи ҳам H_2O_2 ва NO_2 зарраларининг AQP1 орқали ўтиш эркин энергия барьерини бироз оширади, OH ва NO зарралари учун эса оксидланишнинг кучли таъсири кузатилмайди.

11. Гидрофилик турлар ҳужайрага AQPлар орқали кириб боради, чунки улар липид мембранаси орқали юқори барьерга учрашади, айниқса табиий ФКҚда (яъни H_2O_2 ҳолатида мос равишда ~ 10 ва 22 кЖ/моль), гидрофоб турлар эса катта эҳтимол билан липид оксидланиши мумкин бўлган мембрана орқали ўтишади, чунки уларнинг AQP орқали ўтиш барьерини юқорироқ (яъни, NO ҳолатида мос равишда ~ 8 ва 1 кЖ/моль).

12. хСТ антипортери Cys_{327} қолдигининг оксидланиши СҮС транслокацияси учун эркин энергия барьерини келтириб чиқаради (яъни 33.9 кЖ/моль), бу эса хСТ структурасининг субстрат боғланадиган жойига СҮС киришини тўсиб қўяди ва шу билан хСТ антипортер функциясини тўхтатиб қўяди.

13. hEGFнинг оксидланиши унда конформацион ўзгаришлар ва дисульфид боғларининг узилишига олиб келади, бу эса ушбу оксилни айниқса юқори оксидланиш даражасида эгилувчан қилади; α -спирал структураси 11.2% дан 7.4% гача пасаяди, β -структура эса 10.9% дан 0.5% гача пасаяди ва шу билан тасодифий бурамалар фоизини оширади; шундай қилиб, паст оксидланиш даражаси hEGFнинг унинг рецептори билан боғланиш энергиясига кам таъсир қилади (-105.2 ва -71.2 ккал/моль), ҳолбуки юқори оксидланган hEGFда унинг рецептори билан ўзаро таъсири пасаяди (-105.2 ва -49.5 ккал/моль).

14. САП оксидланиши натижасида дисульфид боғининг ҳосил бўлиши СҮГВнинг конформациясига таъсир қилади; ҳақиқатан ҳам, гем темири билан His_{117} нинг азот атомларидан бири орасидаги масофа $\text{CUGB}_{\text{S-S}}$ да деярли икки баробарга ошади (6.63 га нисбатан 13.48 \AA); бу эса His_{117} нинг дарвоза функцияси орқали гем гуруҳига яқинлашиш имконини беради ва шу билан гем гуруҳини жалб қилиш орқали СҮГВда боғловчи яқинликни оширади, қайсики тадқиқотнинг экспериментал натижалари билан мос келади.

15. А β пентамернинг оксидланиши унда юқори эгилувчанликка ва конформацион ўзгаришларга олиб келади ва шу билан эритувчи (сув)нинг пептидлар орасига кириш имконияти ортади; бу энг юқори оксидланиш даражасида янада яққол кўринади (бу ерда β -структура 73.3% дан 64% гача пасаяди) ва у туз кўприги ўзаро таъсирининг бузилиши билан боғлиқ; натижада

пептидлараро боғланиш энергияси пасаяди (-248.93 дан -178.17 кЖ/моль гача) ва бу, оксидланиш туфайли Аβ агрегацияси жараёнининг издан чиқишини кўрсатади.

**SCIENTIFIC COUNCIL No. DSc.02/30.12.2019.FM.65.01
FOR AWARDING SCIENTIFIC DEGREES AT THE INSTITUTE OF
ION-PLASMA AND LASER TECHNOLOGIES**

**UNIVERSITY OF ANTWERP (BELGIUM)
INSTITUTE OF ION-PLASMA AND LASER TECHNOLOGIES**

YUSUPOV MAKSUDBEK SULTANMURATOVICH

**MOLECULAR MECHANISMS OF
INTERACTION OF COLD PLASMA WITH BIOMOLECULES**

01.04.03 – Molecular physics and thermal physics

PRESENTATION

**for obtaining the degree of Doctor of Physical and Mathematical Sciences (DSc)
on the basis of articles published in scientific journals with an impact factor of 1.0 and
higher, and included in the international scientific databases
(without defending a dissertation)**

(the degree of Doctor of Philosophy (PhD) was obtained in 2014)

TASHKENT - ANTWERP – 2020

The title of the research (DSc) has been registered by the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number B2020.3.DSc/FM160.

The work was carried out at the University of Antwerp and the Institute of Ion-Plasma and Laser Technologies.

Scientific consultant: **Mirzaev Sirojiddin Zaynievich**
DSc in physics and mathematics, professor

Official opponents: **Bakhramov Sagdulla Abdullaevich**
DSc in physics and mathematics, professor, academician

Benedikt Jan
professor, Christian-Albrecht University of Kiel (Germany)

Rasulov Akbarali Makhamatovich
DSc in physics and mathematics, professor

Leading organization: **Samarkand State University**

The presentation will take place on « 02 » 12 2020 at 16⁰⁰ at the meeting of the Scientific Council No. DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 at the Institute of Ion-Plasma and Laser Technologies (address: Durmon Road 33, 100125 Tashkent, Uzbekistan, Phone: (99871) 262-42-54, e-mail: info@iplt.uz.).



Kh.B. Ashurov
Chairman of the Scientific Council
on Award of Scientific Degrees
DSc Thech, professor

I.D. Yadgarov
Scientific Secretary of the Scientific Council
on Award of Scientific Degrees
DSc in physics and mathematics

B.E. Umirzakov
Chairman of the Scientific Seminar
under Scientific Council on Award of Scientific Degrees
DSc in physics and mathematics, professor

INTRODUCTION (description of the presentation)

Relevance and necessity of the research topic. In recent years, a new interdisciplinary field, plasma medicine, has been developing rapidly, combining the achievements of plasma physics, molecular physics, biophysics and computational physics, and dealing with fundamental and applied problems of the interaction of cold atmospheric plasma (CAP) and soft media, based on the use of physicochemical processes occurring in it. The processes that occur under the influence of CAP on the surface (or in the volume) cause alterations in the structure of biomolecule, which is usually accompanied by a change in its hydrophilic and hydrophobic properties and can stimulate the appearance of the biological activity of the biomolecule.

Nowadays, the situation with the use of CAPs is such that practical implementations are ahead of fundamental research devoted to understanding the physicochemical laws of plasma processes. The external parameters of such plasma processes are mainly chosen empirically. This is due, firstly, to the complexity of the analysis of reactions proceeding under non-equilibrium conditions, and secondly, to the fact that the plasma is a self-consistent system, the physical characteristics of which, determining its chemical activity, depend on the intermolecular interactions and chemical transformations initiated by the plasma. Obviously, without understanding the interaction mechanisms, the role of various active species in reactions with biomolecules and the effect of chemical processes in plasma on its properties, effective optimization of plasma technology is impossible. In this regard, *investigating the mechanisms* of processes that determine the composition of the active components of cold plasma as well as *identificating the regularities* of its effect on biomolecules, *are urgent tasks*.

In the world, the use of CAP for cancer treatment is currently one of the most relevant topics in plasma medicine. Many studies have been conducted in this field, including the characterization and development of plasma sources, the physics and chemistry occurring in the plasma and in the surface treated, the biophysical processes occurring when plasma-generated species come in contact with biomolecules and the long-term effects of CAP treatment in living organisms. Promising results have been obtained in plasma oncology, both *in vitro* and *in vivo*. Experiments have revealed that CAP may selectively target the destruction of cancer cells, thereby leaving healthy cells less or undamaged. This, in turn, gives an advantage to CAP over traditional anticancer methods. Nevertheless, despite a large number of studies, the underlying mechanisms by which plasma acts selectively on cancer cells still remain elusive, and require more thorough fundamental investigations.

The complexity of the contact region of plasma with the living cells, makes it difficult or impossible to investigate through experiments. In this respect, computer modeling is very valuable, which provides an understanding of processes at the molecular level, thereby allowing the study of the underlying mechanisms in detail. Yet, to date, a limited number of simulation studies have been carried out that are devoted to a systematic study of the above processes.

In Uzbekistan, the field of plasma medicine, especially the use of cold plasma for cancer treatment, is one of the newest areas of plasma research and is in the early

stages of development. In this regard, the research using computer modeling plays an important role in the fundamental study of processes at the molecular level and in understanding the underlying mechanisms of experimental results obtained in the field. For this purpose, the gradual transfer of knowledge and skills in computer simulations for young researchers of Uzbekistan has already been established. In the future, the establishment of the cooperation with medical research centers in the country, to carry out practical studies in this area, is envisaged. Currently, research projects are being prepared in this field. Undoubtedly, the development of plasma medicine field in Uzbekistan offers cheap and effective solutions for the treatment of various diseases. Therefore, increasing the number of researchers in the field is one of the priority tasks, and for this purpose, it is expedient to expand research in the field of plasma medicine.

This doctoral research serves to some extent in the implementation of the tasks stipulated in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No. PD-4947 “About the strategy of actions in five priority directions of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021” and the Resolution dated July 14, 2018 No. PR-3855 “About additional measures to increase the efficiency of commercialization of the results of scientific and scientific-technical activities” and other regulations related to this activity.

Compliance of the research with the priority directions of the development of science and technology in the country. This research was carried out in the framework of the priority directions of the development of science and technology of the Republic of Uzbekistan: F.2. “Physics, astronomy, energy and mechanical engineering” III. Energy, energy saving, instrumentation, modern electronics, microelectronics, electronic equipment.

International context of the research². Numerous leading research centers and universities worldwide with long time expertise on plasma research are performing research in the field of plasma medicine to investigate the fundamental and practical problems of the interaction of cold plasma with the soft media. Among them are PLASMANT (University of Antwerp, Belgium), MpNL (George Washington University, USA), GREMI (University of Orléans, France), CSIRO (Australia), PBRC (Kwangwoon University, South Korea), CPSEG (University of Michigan, USA), Hamaguchi Lab. (Osaka University, Japan), FII (University of South Australia, Australia), AEPT (Ruhr-Universität Bochum, Germany), GravesLab (US Berkeley, USA), IAP group (University of Bologna, Italy), CLTPS (Nagoya University, Japan), Xinpei Lu’s Lab (HuaZhong University of Science and Technology, China), INP-Greifswald (Leibniz Institute for Plasma Science and Technology, Germany) and C.J. Nyheim Plasma Institute (Drexel University, USA).

Nevertheless, despite the growing interest in plasma medicine and plasma oncology, most research groups focus on experiments, reporting some beneficial effects of the plasma treatment. There is, however, a lack in applying complementary

² The review of international research on the topic is based on the following review articles: M. Keidar, Plasma Sources Sci. Technol. 24 (2015) 033001, D. Yan et al. Oncotarget 8 (2017) 15977 and A. Bogaerts et al. Front. Chem. Sci. Eng. 13 (2019) 253.

research methods aimed at fundamental understanding at the molecular level, which can be achieved using atomistic simulation techniques. To date, the research group PLASMANT is virtually the only group worldwide, focusing on such atomic scale simulation studies for plasma medicine and plasma-cancer treatment.

Current state of the research on the topic. Research schools of a number of leading foreign research centers, headed by leading scientists, including A. Fridman, M. Keidar, A. Bogaerts, M. Kushner, T. von Woedtke, J. Benedikt, D. Graves, V. Miller, J-M. Pouvesle, E. H. Choi, V. Colombo, S. Hamaguchi, G. Kroesen, M. Hori, K. D. Weltmann, M. Laroussi, D. O'Connell, L. Mir, Xinpei Lu, J. Bandow and K. Ostrikov, are conducting investigations in the field of plasma medicine, in particular, in the fundamental and applied research of the anticancer effects of cold atmospheric plasma. Although very promising results are being obtained in plasma oncology from *in vitro* to *in vivo* studies, and even some first clinical trials, the need for more fundamental insight in the underlying mechanisms remains at large.

It is generally accepted that the anticancer activity of CAP treatment is associated with reactive oxygen and nitrogen species (RONS) generated by plasma. A number of studies have already reported a noticeable rise of intracellular RONS occurring in cancer cells compared to normal cells upon plasma treatment, and this elevated level of RONS most probably causes the selective death of cancer cells. Indeed, because of the stronger metabolism in cancer cells, their basal intracellular RONS levels are higher than in normal cells. When further extracellular RONS stress is exerted on them, the intracellular RONS level in cancer cells may pass a threshold, leading to cell death. Hence, cancer cells can experience more apoptosis (i.e., programmed cell death) than normal cells upon plasma treatment.

RONS regulate key biochemical pathways within intra- and intercellular environments, inducing chemical and physical changes in cells. Recent research has shown that plasma treatment of living cells results in intracellular signaling changes, important for the treatment of diseases. However, it is still not understood how RONS regulate intracellular processes, directly through modification of intracellular components and/or indirectly through modification of extracellular components (e.g., proteins) or the external membrane. Obviously, this requires more fundamental investigations based on both experiments and computer simulations.

While experiments are indispensable, computer simulations are very valuable as they provide fundamental insight into nanoscale processes (in nm and ns), allowing to study the underlying mechanisms in detail, which is difficult to achieve experimentally. However, to date very limited attention has been paid to detailed *in silico* investigations of reactive plasma species interacting with biomolecules.

Three possible mechanisms are proposed for RONS permeation into cells: a) active transport of reactive species through transmembrane channels, b) chemical modification of the cell membrane, leading to increased permeability and c) interactions with membrane-bound proteins leading to stress signaling inside the cell, which can lead to an increase in cellular RONS levels. All these possible

mechanisms of noticeable rise of intracellular RONS occurring in cancer cells were addressed in this doctoral work.

Connection of the research topic with the research activities of the institution. The research was conducted in accordance with the research plans of the PLASMANT group of the University of Antwerp (Belgium) and in the framework of the following postdoctoral research projects funded by the Research Foundation-Flanders: grants No. 1200216N “Atomic scale modeling for plasma cancer treatment” (2015-2018, University of Antwerp, Belgium) and No. 1200219N “Plasma-based cancer treatment: Atomic level simulations” (2018-2021, University of Antwerp, Belgium).

The aim of the work is to obtain a fundamental understanding of the effect of cold atmospheric plasma on biomolecules by identifying the mechanisms of interaction of reactive species with biomolecules, caused by plasma, and in particular, to determine the role of reactive particles in processes.

The tasks of the research are:

determination of appropriate model systems for specific biomolecules; setting up their spatial atomic structures, and subsequent energy minimization and equilibration;

study the effect of head group and lipid tail oxidation, induced by plasma-generated reactive species, in the model membrane; describing the specific role of the reactive oxygen species in the oxidation of this model membrane;

investigation of the synergistic effect of electric field and lipid oxidation (both caused by plasma) on the permeability of cell membrane; determination of the electric field threshold needed for pore formation (i.e., electroporation) together with the permeation free energy barriers of reactive species across the membrane;

study the permeation processes of plasma-generated species across native and oxidized membranes, through calculation of their transport free energy profiles;

investigation of the phosphatidylserine flip-flop motion across native and oxidized membrane; calculation of the free energy barriers for the translocation;

study the impact of lipid tail saturation degree, lipid head group type and membrane cholesterol fraction on the delivery of plasma species into cells;

examination of the effect of mechanical stress on oxidized membranes, using homogeneous and heterogeneous membrane systems;

investigation of the effect of plasma oxidation on the transport of reactive species across aquaporin transmembrane channel; calculation of the free energy and diffusion rate profiles; analysis of the permeation mechanisms;

study the impact of oxidative stress on cystine transportation by xCT antiporter; analysis of the rearrangements of the amino acids in the oxidized protein channel;

defining the role of plasma oxidation on structural features of human epidermal growth factor; study the conformational changes in this protein system;

understanding the effect of plasma oxidation on the structure of cytoglobin;
investigation of the effect of intramolecular disulfide bridge formation;

identification of the role of plasma oxidation on stability of toxic amyloid beta peptide aggregation; analysis of the structural changes.

The object of the research are reactive oxygen and nitrogen species, a phospholipid bilayer consisting of various native and oxidized lipid molecules, native and oxidized integral membrane proteins aquaporin and xCT, as well as model systems for signaling, globular and fiber-like proteins.

The subject of the research are atomic positions and velocities in the model system, their interaction energies, area per lipid and bilayer thickness, free energy and diffusion rate profiles of the reactive species across phospholipid bilayers as well as through aquaporin, permeability coefficient, free energy barrier, electric field needed for pore formation, average pore formation time and binding free energy.

Methods of the research. Both the reactive and non-reactive molecular dynamics (MD) simulations as well as the umbrella sampling (US) method were used in the doctoral research.

The scientific novelty of the research is as follows:

